“ТАРМОҚЛАР” методи – талабани мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишни ўргатишга қаратилган.

“БУМЕРАНГ” техникаси – талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материалларни ёдда сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрни эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

“МУЛОҚОТ” техникаси –аудиториядаги талабалар диққатини ўзига жалб этиш, дарс жараёгида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.

“ТАРМОҚЛАР МЕТОДИ” (Кластер) - фикрларнинг тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у талабаларни бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, уларни мавзуга таалуқли тушунча ва аниқ фикрни эркин ва очик равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашга ўргатади. Бу метод бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал талабаларнинг фикрлаш фаолиятини жадваллаштириш ҳамда кенгайтиришга эришиш мумкин.

“БУМЕРАНГ” технологияси - мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материалининг чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб этиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муомала, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шаклларини қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши, керакли баллни тўплашига имконият беради. “Бумеранг” технологияси танқидий фикрлаш, мантиқий шаклланишга имконият яратади; хотирани чархлайди, диққатни кучайтиради. Фояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш қўнималарини ривожлантиради. Мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради: жамоа билан ишлаш маҳорати; муомалалик; хушфеъллик; қониқувчанлик; ўзгалар фикрига хурмат; фаоллик;

раҳбарлик сифатларини шакллантириш; ишга ижодий ёндашиш; ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш; ўзини ҳолис баҳолаш.

“СКАРАБЕЙ” технологияси - “Скарабей” интерактив технология бўлиб, у талабаларда фикрий боғлиқлик, мантикий хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология талабаларга мустақил равишда билимнинг сифати ва савиасини ҳолис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни аниқлаш имконини беради. У айни пайтда, турли ғояларни ифодалаш ҳамда улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга имкон яратади. Мазкур технологиядан ўкув материалининг турли босқичларини ўрганишда фойдаланиш имконияти мавжуд.

“ВЕЕР” технологияси - мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари белгиланади.

Бу интерактив технология гидрологик прогнозлар курсида танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожланишига ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, химоя қилишга имконият яратади.

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1 - маъруза

Гидрология фани, мақсади, вазифалари бўлиниши, ривожланиш тарихи

Ушбу мавзуда гидрология фани предмети, бўлиниши, бошқа фанлар билан алоқалари, вазифалари, тадқиқот усуллари, шаклланиш ва ривожланиш босқичлари баён этилиб, сўнг Ўрта Осиёда гидрологиянинг ривожланиш тарихига оид маълумотлар келтирилади.

Маърузанинг кенгайтирилган режаси:

1. Гидрология фани, гидросфера, фаннинг таърифи;
2. Гидрологиянинг тадқиқот обьекти ва предмети;
3. Гидрологиянинг бўлиниши, вазифалари:
 - 3.1. Океанология;
 - 3.2. Қуруқлик гидрологияси;
 4. Куруқлик гидрологиясининг ўрганадиган обьектларга боғлиқ ҳолда бўлиниши;
 - 4.1. Дарёлар гидрологияси (потамология);
 - 4.2. Кўллар ва сув омборлари гидрологияси (кўлшунослик-лимнология);
 - 4.3. Музликлар гидро-логияси (гляциология);
 - 4.4. Ботқоқликлар гидрологияси (тальматология);
 - 4.5. Ер ости сувлари гидрологияси;
 5. Ўрганадиган муаммолари ва тадқиқот усулларига боғлиқ ҳолда бўлишини:
 - 5.1. Гидрография;
 - 5.2. Гидрометрия;
 - 5.3. Гидрологик ҳисоблашлар;
 - 5.4. Гидрологик прогнозлар;
 - 5.5. Гидрофизика;
 - 5.6. Гидрокимё;
 - 5.7. Гидробиология;
 - 5.8. Гидроэкология
 6. Гидрологиянинг бошқа табиий фанлар билан боғлиқлиги;
 7. Тадқиқот усуллари:
 - 7.1. Стационар;
 - 7.2. Экспедиция;
 - 7.3. Тажриба-лаборатория;
 - 7.4. Назарий таҳлил;
 8. Шаклланиш ва ривожланиш босқичлари (гидрология тарихига оид О.А.Спенглер, А.Бисвас ва бошқаларнинг тадқиқотлари, Э. Мариот, П.Перро, Э.Мильхиор, И.Кант ва бошқаларнинг хиссалари);
 9. Ўрта Осиёда гидрологиянинг ривожланиш тарихига оид айрим маълумотлар (В.В.Бартольд, Я.Ф.Гуломов ва бошқаларнинг тадқиқотлари);
 10. Ўрта Осиёлик олимларнинг гидрологиянинг шаклланиши ва ривожланишига қўшган хиссалари:
 - 10.1. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хорзмий (783-850);
 - 10.2. Аҳмад ал-Фарғоний (797-861);
 - 10.3. Абу Райҳон Беруний (973-1048);
 - 10.4. Маҳмуд Кошғарий (XI асрнинг иккинчи ярми);
 - 10.5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530);
 - 10.6. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо (1499 йилда туғилган);
 - 10.7. Сайд Муҳаммад Тоҳир 1645-1650 йилларда ёзилган "Ажойиб ат-Табокат" асари хақида;
 - 10.8. Абдулғозийхоннинг 1663 йилда ёзиб тугаллаган "Шажараи турк ва мўғул" асари

ҳақида;

- 10.9. Мунис (Авазбий ўғли Шермуҳаммад мироб 1778-1829);
- 10.10. Огахий (Эрниёзбек ўғли Мухаммад Ризо мироб 1809-1872);
- 10.11. Аҳмад Дониш (1827-1897);
11. Гидрология фани Собиқ иттифоқ даврида;
12. Гидрология фани мустақиллик йилларида.

Синов саволлари:

1. Гидрология фанининг таърифини эсланг.
2. Гидрология фани ўрганадиган сув обьектларига боғлиқ ҳолда неча қисмга бўлинади?
3. Қуруқлик гидрологияси қандай сув обьектларини ўрганади?
4. Гидроэкология фанининг шаклланиши жараёни қандай муаммолар билан боғлиқ?
5. Гидрологияда қандай тадқиқот усулларидан фойдаланилади?
6. Гидрология фанининг шаклланиши ва ривожланиши босқичларини эсланг.
7. Буюк алломалар-Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фар-ғоний, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошгари, Заҳридин Муҳаммад Бобур ва бошиқаларнинг Ўрта Осиёда сув ил-мининг шаклланиши ва ривожланишига кўйсан ҳиссалари нималардан иборат?
8. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда гидрологиянинг ривожланиши ҳақида нималарни биласиз?

2 – маъруза

Гидросфера ва унинг ташкил этувчилари

Ушбу маърузада гидросфера, унинг ташкил этувчилари, гидросфера билан литосфера, биосфера ва атмосфера орасидаги алоқадорлик масалалари, табиатда сувнинг айланиши, Ер шаридаги қуруқлик ва сувнинг тақсимланиши, сувнинг асосий табиий ва кимёвий хоссалари, Ер шаридаги материклар ичида намликтининг айланиши, қуруқликнинг океанга туташ ва берк яъни оқимсиз қисмлари, Ер шарининг сув баланси тенгламаси, унинг асосий элементлари каби масалалар кўриб чиқилади.

Маърузанинг кенгайтирилган режаси:

1. Гидросфера, унинг ташкил этувчилари;
2. Гидросфера билан литосфера, биосфера ва атмосфера орасидаги алоқадорлик;
3. Табиатда сувнинг айланиши ва уни белгиловчи омиллар;
4. Табиатда сувнинг айланишининг ердаги ҳаёт учун аҳамияти;
5. Ер шаридаги қуруқлик ва сувнинг тақсимланиши;
6. Сувнинг асосий табиий хоссалари;
7. Сувнинг кимёвий хоссалари;
8. Ер шаридаги материклар ичида намликтининг айланиши;
9. Қуруқликнинг океанга туташ (периферия) областлари;
10. Қуруқликнинг океанга берк, яъни оқимсиз областлари;
11. Ер шарининг сув баланси тенгламаси, унинг асосий кирим ва чиким қисми элементлари:
 - 11.1. Дунё океанининг сув баланси тенгламаси;
 - 11.2. Қуруқликнинг сув баланси тенгламаси:
 - океанга туташ областнинг сув баланси тенгламаси;
 - берк областнинг сув баланси тенгламаси;
12. Ер шарининг сув баланси тенгламаси ташкил этувчиларини микдорий баҳолаш масалалари;
13. АҚШлик олим П.Хаггитнинг тадқиқотлари;
14. М.И.Лъвович бошчилигига амлга оширилган тадқиқотлар;

Синов саволлари:

1. Ер куррасида қуруқлик ва сув юзалари қандай тақсимланган?
2. Ер куррасида сувнинг катта ва кичик айланишиларида қандай тизимлар иштирок этади?
3. Материклар ичида намликнинг айланиши қай тарзда кечади?
4. Океанга тулаши ёки чекка оқимли ҳудуд деганда нимани тушунасиз?
5. Ички оқимли ҳудуд ёки берк ҳавзаларга мисол келтириңг.
6. Ер курраси сув мувозанатининг кирим ва чиқум қисмлари элементларини айтиб беринг.
7. Ер курраси сув мувозанати элементларининг миқдорий қийматларини эслай оласизми?

3 – маъруза Атмосфера ёғинлари

Ушбу маърузада дастлаб, атмосфера ёғинлари ҳақида умумий маълумот келтирилиб, сўнг Ер куррасида ёғинларнинг тақсимланишини белгиловчи омиллар, ёғинларнинг турлари, уларни ўлчаш усувлари, дарё ҳавзаси бўйича ўртacha ёғин миқдорини аниқлаш масалалари кўриб чиқилади.

Маърузанинг кенгайтирилган режаси:

1. Атмосфера ёғинлари ҳақида умумий маълумот;
2. Ер куррасида ёғинларнинг тақсимланиши ва уларни белгиловчи омиллар;
3. Ер сирти рельефининг атмосфера ёғинларига таъсири;
4. Ёғинлар умумий миқдорининг баландлик бўйича ўзгариши;
5. Ёғин турининг ўзгариши;
6. Ёғинларнинг йил давомида тақсимланиши;
7. Ёғиннинг гиетографик чизмаси;
8. Ёғин градиенти;
9. Ўрта Осиё мисолида ёғин режимига рельефнинг таъсири;
10. Ёғинлар турлари;
11. Ёмғирлар, жала ёмғирлар;
12. Жала ёмғирларнинг жадаллиги;
13. Кор, кор қоплами, турлари, хоссалари;
14. Корнинг зичлиги, иссиқлик ўтказувчанлиги, радиацион хусусиятлари, сувлилиги;
15. Кор қопламини ўрганиш усувлари;
16. Кор ўлчаш съёмкалари турлари;
17. Гамма кор ўлчаш съёмкаси;
18. Ялпи ёғин ўлчагичлар;
19. Дарё ҳавзаси бўйича ўртacha ёғин миқдорини аниқлаш усувлари;
20. Атмосфера ёғинлари карталари;
21. Атмосфера ёғинларини ўрганишнинг гидрологик аҳамияти.

Синов саволлари:

1. Ёғинларнинг ҳосил бўлиши механизмини эсланг.
2. Ёғин миқдорини белгиловчи омилларни айтинг.
3. Ёғин миқдорини ўлчаш аниқлиги қандай омилларга боғлиқ бўлади?
4. Ёғин миқдорининг ўлчов аниқлигига тузатмалар киритишда нималар эътиборга олинади?
5. Ёғин градиенти қандай ҳисобланади?
6. Қандай ёғин турларини биласиз?
7. Кор қопламини тавсифлашда қандай тушунчалардан фойдаланилади?
8. Ёмғирларнинг қандай турларини биласиз?
9. Жала ёмғирларни аниқлашида асосий мезон нима?

10. Ёмғирнинг ёғии жадаллиги қандай аниқланади?
11. Ёғин меъёрини аниқлаша ишларга эътибор берши лозим?
12. Дарё ҳавзасига ёққан ёғин қатламини аниқлашнинг қандай усулларини биласиз?
13. Ўртача арифметик усулнинг моҳиятини эсланг.
14. Медиана-тортиши, квадратлар, изогиетлар усулларининг бир-биридан фарқларини эсланг.
15. Тоғ дарёси ҳавзасига ёққан ёғин қатламини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

4 - маъруза Табиатда буғланиш

Ушбу маъруза табиатда буғланиш, унинг физик моҳияти, буғланиш миқдорини аниқлаш усуллари, сув юзасидан буғланиш, буғлатгичлар, сув юзасидан буғланишни аниқлаш усуллари, дарё ҳавзаси юзасидан ялпи буғланишни аниқлаш масалаларини ёритишга бағишенган.

Маърузанинг кенгайтирилган режаси:

1. Буғланиш ва уни белгиловчи омиллар;
2. Буғланишнинг физик моҳияти;
3. Буғланиш миқдорини аниқлаш усуллари;
4. Сув юзасидан буғланиш;
5. Буғлатгичлар ва уларнинг турлари;
6. Қирғоқ бўйи ва сузуви буғлатгичлар;
7. Сув юзасидан буғланишни ҳисоблаш ифодалари ёрдамида аниқлаш усуллари;
8. Б.Д.Зайков ифодалари;
9. А.М.Никитин ва Н.Е.Горилкин ифодалари;
10. Қор қоплами юзасидан буғланиш;
11. Музлик сиртидан буғланиш;
12. Тупроқ қопламидан буғланиш;
13. Ўсимликлардан буғланиш – транспирация;
14. Тупроқ қоплами ва ўсимликлардан буғланишни аниқлаш усуллари;
15. Лизиметрлар;
16. Дарё ҳавзалари юзасидан ялпи буғланиш;
17. Дарё ҳавзалари юзасидан ялпи буғланишни белгиловчи омиллар;
18. Ялпи буғланишни аниқлашнинг регионал усуллари (П.С.Кузин ифодаси, Н.Г.Коныкина графиклари).

Синов саволлари:

1. Буғланишининг табиий моҳиятини тушунтиринг.
2. Даътон қонунини эсланг.
3. Диффузион ва конвекцион буғланишларнинг фарқи нимада?
4. Шамолнинг флюгер баландлигидаги тезлигидан ер сиртидан исталган баландликдаги тезликка қандай ўтилади?
5. Сув юзасидан бўладиган буғланиши миқдорини аниқлашнинг Б.Д.Зайков таклиф этган ифодасини биласизми?
6. Сув юзасидан бўладиган буғланиши миқдори сув юзаси температурасига боғлиқ ҳолда қандай аниқланади?
7. Сув юзасидан бўладиган буғланиши миқдори ҳаво температурасига боғлиқ ҳолда қандай аниқланади?
8. Йилнинг иссиқ даври, яъни апрел-октябр ойларидаи йигинди буғланиши қандай ҳисобланади?
9. Йиллик меъёрий буғланиши миқдорини аниқлашнинг қандай усулларини биласиз?
10. Буғланиши картасидан қандай фойдаланилади?

11. А.Р.Константинов тақлиф этган номограмма ёрдамида йиллик меъёрий буғланиши миқдорини аниқлаш учун қандай маълумотлар зарур бўлади?
12. М.И.Будико номограммасидан йиллик меъёрий буғланиши миқдори қандай аниқланади?
13. Ойлик меъёрий буғланишини аниқлашнинг қандай усулларини биласиз?
14. П.С.Кузин усулининг моҳиятини тушунтириңг.
15. Б.В.Поляков графигидан қандай фойдаланилади?

5 - маъруза
Ер ости сувлари

Ушбу маърузада ер ости сувлари, уларнинг пайдо бўлиши, генезисига кўра таснифлари, ер ости сувларининг харакати, режими, дарёларнинг ер ости сувлари ҳисобига тўйиниши, ер усти (юза) ва ер ости сувлари орасидаги ўзаро боғлиқлик масалалари кўриб чиқилади.

Маърузанинг кенгайтирилган режаси:

1. Ер ости сувлари ҳақида умумий маълумотлар;
2. Ер ости сувларининг пайдо бўлиши ва бу ҳақдаги гипотезалар;
3. Ер ости сувларининг ювенил назарияси;
4. Ер ости сувларининг конденсацион назарияси;
5. Ер ости сувларининг инфильтрацион назарияси;
6. Релект ер ости сувлари;
7. Ер ости сувларининг генезисига кўра таснифлаш;
8. Ер ости сувларининг турлари;
9. Ер ости сувларининг жойлашиш шароитига кўра бўлиниши;
10. Тупроқ грунт сувлари;
11. Қатламлар орасидаги сувлар;
12. Грунт сувлари;
13. Грунт сувлари ҳавзаси;
14. Артезиан ҳавзалар;
15. Ер ости сувларининг минераллашуви;
16. Ер ости сувларининг харакати;
17. Ер ости сувлари харакатини ифодаловчи асосий катталиклар;
18. Фильтрация коэффициенти;
19. Ер ости сувлари режими;
20. Қисқа мудатли ёзги тўйиниши режими;
21. Фаслий тўйиниши режими;
22. Йил давомидаги тўйиниши режими;
23. Дарёларнинг ер ости сувлари ҳисобига тўйиниши;
24. Ер усти (юза) ва ер ости сувлари орасидаги ўзаро боғлиқлик;
25. Ер ости сувларининг табиий-географик жараёнлардаги аҳамияти (кўчкилар, сурilmalalar, карст ҳодисалари ва бошқалар);
26. Ер ости сувларидан инсон фаровонлиги мақсадларида фойдаланиши.

Синов саволлари:

1. Ер ости сувларининг пайдо бўлиши ҳақидаги қандай гипотезаларни биласиз?
2. Ер ости сувлари пайдо бўлишининг ювенил назарияси моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Реликт ер ости сувлари қандай пайдо бўлади?
4. Ер ости сувлари генезиси бўйича қандай гурухларга бўлинади?
5. Вадоз сувлар қандай ҳосил бўлади?
6. Ювенил ва седиментацион ер ости сувларининг фарқи нимада?
7. Ер ости сувлари жойлашиши ўрнига боғлиқ ҳолда қандай турларга бўлинади?

8. Артезиан сувлар нима?
9. Ер ости сувлари таркибида эриган тузлар миқдорига қараб қандай гурухларга ажратиласы?
10. Инфлюация ҳодисасининг моҳиятини тушунтириб беринг.
11. Ер ости сувларининг сарфи қандай ифода билан аниқланади?
12. Фильтрация-сизиб ўтиши коэффициентининг моҳия-тини изоҳланг.
13. Ер ости сувлари сатҳининг тебранишига қандай омиллар таъсир этади?
14. Ер ости сувлари тўйинишининг нечта тури мавжуд?
15. 3. Ер ости сувлари минераллашув даражасига кўра қандай гурухларга ажратиласы?
16. Ер ости ва ер усти сувларининг ўзаро боғлиқлигини изоҳлаб беринг.
17. Ер ости сувлари қандай манбалар ҳисобига тўйинади?
18. Ўрта Осиё дарёларининг тўйинишида ер ости сувлари ҳиссаси қандай?
19. Қандай табиий-географик жараёнлар ер ости сувлари иштирокида кечади?
20. Кўчки ҳодисасининг моҳиятини тушунтириб беринг.
21. Карст ва суффозия жараёнларига мисол келтиринг.

6 - маъруза

Дарёлар. Дарёлар ҳақида умумий маълумотлар.

Ушбу маърузада асосий эътибор дарёлар ҳақидаги умумий тушунчаларга қаратилиб, дарё системаси ва ҳавзасининг морфометрик кўрсаткичларини, жумладан ҳавзанинг ўртача баландлиги ва бошқа катталикларни аниқлаш масалаларига қаратиласы.

Маърузанинг кенгайтирилган режаси:

1. Дарёлар ҳақида умумий маълумотлар;
2. Дарё системаси: бош дарё ва унинг ирмоқлари;
3. Дарё боши, дарёнинг юқори, ўрта ва қуий оқими;
4. Дарёларнинг қуилиши, дарё дельталари;
5. Сувайирғичлар: дунё сувайирғичи, океан сувайирғичлари, дengiz сувайирғичлари, дарё сувайирғичлари;
6. Ер ости ва ер усти сувайирғичлари;
7. Дарё ҳавзаси ва унинг таърифи;
8. Дарёнинг сув тўплаш майдони;
9. Дарё системасининг морфометрик кўрсаткичлари;
10. Дарё ҳавзасининг морфометрик кўрсаткичлари;
11. Дарё ҳавзасининг гипсографик эгри чизиги;
12. Дарё ҳавзасининг ўртача баландлиги ва уни аниқлаш усуслари;
13. Дарё водийси ва унинг элементлари;
14. Дарё ўзани ва унинг гидравлик элементлари;
15. Дарёларнинг бўйлама қирқимлари, турлари;
16. Дарёлар сув юзасининг кўндаланг қирқими;
17. Дарёнинг кўндаланг кесими, жонли кесма майдони;
18. Жонли кесма майдонини аниқлаш усуслари;
19. Намланган периметр;
20. Гидравлик радиус ва уни аниқлаш усуслари.

Синов саволлари:

1. Дарёга таъриф беринг.
2. Бош дарё қандай белгилари билан ажралиб туради?
3. Океан ва континент дарёларга мисоллар келтиринг.
4. Дарё системаси нима?
5. Гидрографик тўр дейилгандага нимани тушунасиз?
6. Дарё узунлиги бўйича қандай қисмларга бўлинади?

7. Дарёларнинг юқори оқимига хос бўлган хусусиятларни эсланг.
8. Дарё дельтаси қандай ҳосил бўлади?
9. Сувайиргичлар таърифини эсланг.
10. Жаҳон сувайиргич чизигининг йўналишини картадан кўрсатинг.
11. Дарё ҳавзаси ва сув тўплаш майдонининг таърифларини эсланг.
12. Маълум бир дарё ҳавзасига хос бўлган алоҳида хусусиятлар қандай табиий-географик омиллар билан аниқланади?
13. Дарё ҳавзасининг географик ўрнини аниқлашида нималарга эътибор берилади?
14. Дарё ҳавзасининг иқлим шароити қандай омиллар таъсирида намоён бўлади?
15. Дарё системасининг шакли ва ўлчамлари қандай кўрсаткичларда акс этади?
16. Дарё системасининг шакл ва ўлчам кўрсаткичлари қандай мақсадда аниқланади?
17. Дарё ҳавзасининг шакл ва ўлчам кўрсаткичларини эсланг.
18. Дарё ҳавзасининг ўртacha баландлигини аниқлашининг қандай усууларини биласиз?
19. Дарё ҳавзасининг гипсографик эгри чизиги қандай чизилади? 1. Дарё водийсининг элементларини айтиб беринг.
20. Дарё ўзани дегандা нимани тушиунасиз?
21. Ўзаннинг кўндаланг қирқими қандай элементлардан ташкил топган?
22. Гидравлик радиус қандай аниқланади?
23. Дарёлар бурилган жойда сув юзасининг кўндаланг қирқими нима учун горизонтал бўлмайди?

7 - маъруза

Дарёларнинг сув режими

Ушбу маърузада дарёлар сув режимининг элементлари, жумладан сув сарфи, сув сатҳи уларни кузатиш ва ўлчаш усууллари сув режими элементлари ҳақидаги маълумотлардан амалда фойдаланиш, дарёларнинг сув режими фазалари ҳақидаги маълумотлар баён этилади.

Маърузанинг кенгайтирилган режаси:

1. Дарёлар сув режимининг элементлари;
2. Сув сарфи;
3. Сув сатҳи ва уни кузатиш, кузатиш маълумотларини қайта ишлаш;
4. Дарёларнинг сув сатҳи режими;
5. Сув сатҳини кузатиш маълумотларидан амалда фойдаланиш;
6. Мослашган сув сатхлари ва уларнинг амалий аҳамияти;
7. Дарёлар сув режимининг даврлари;
8. Баҳорги-ёзги тўлинсув даври;
9. Тўлинсув даври элементлари ва уларни аниқлаш;
10. Кузги-қишиги кам сувли давр;
11. Баҳорги ва кузги тошқин давр;
12. Дарёларни сув режими даврларига кўра таснифлаш;
13. Сув сарфи ва уни аниқлаш усууллари;
14. Сув сарфи эгри чизиги графиги;
15. Хисоблаш жадвали;
16. Гидрологик йилномани тузиш;
17. Ҳарактерли сув сарфлари;
18. Дарё оқими гидрографи ва унинг таҳлили.

Синов саволлари:

1. Дарёлар сув режимининг элементларини айтиб беринг.
2. Дарёларда сув сатҳини ўлчашишлари қандай амалга оширилади?
3. Дарёларнинг сув сатҳи режимига қандай омиллар таъсири этади?
4. Сув сатҳини кузатиш маълумотларининг амалий аҳамиятини ёритиб беринг.

5. Дарёлар сув режимининг йиллик ўзгаришини қандай даврларга ажратиш мумкин?
6. Тўлинсув даврига таъриф беринг.
7. Дарёларнинг, сув режими даврларига кўра, қандай таснифларини биласиз?
8. Сув сарфининг таърифи ва ўлчам бирликларини айтинг.
9. Сув сарфи маълум бўлса, кўндаланг қирқимдаги ўртacha тезлик қандай аниқланади?
10. Сув сарфи эгри чизиги чизмаси қандай мақсадда чизилади?
11. Сув сафри эгри чизиги чизмасини чизишида қандай маълумотлардан фойдаланилади?

8 - маъруза

Дарёларнинг тўйиниш манбалари

Ушбу маърузада дарёларнинг асосий тўйиниш манбалари, дарёларнинг иқлим жиҳатдан А.И.Воейков таснифи, дарёларни тўйиниш манбаларига кўра М.И.Львович, П.С.Кузин, В.Л.Шульц, О.П.Шеглова ва бошқалар таклиф этган таснифлари ҳамда дарёларнинг тўйиниш манбалари ҳиссасини миқдорий баҳолаш усуллари ва шу мақсадда дарё гидрографини вертикал бўлакларга ажратиш масалалари кўрилади.

Маърузанинг кенгайтирилган режаси:

1. Дарёларнинг асосий тўйиниш манбалари;
2. Дарёларнинг иқлим жиҳатидан А.И.Воейков таснифи;
3. Қор ва музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар;
4. Асосан ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар;
5. Дарёсиз ўлкалар;
6. Дарёларнинг тўйиниш манбалари бўйича таснифи;
7. Дарёларнинг тўйиниш манбалари бўйича М.И.Львович таснифи;
8. Дарёларнинг тўйиниш манбалари бўйича П.С.Кузин таснифи;
9. Ўрта Осиё дарёларининг тўйиниш манбаларга кўра таснифлаш масалалари;
10. Ўрта Осиё дарёларининг тўйиниш манбаларга кўра В.Л.Шульц таснифи;
11. Ўрта Осиё дарёларининг тўйиниш манбаларга кўра О.П.Шеглова таснифи;
12. Таснифлаш мезонлари;
13. Музлик-кор сувларидан тўйинадиган дарёлар;
14. Кор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар;
15. Кор сувларидан тўйинадиган дарёлар;
16. Кор-ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар;
17. Аралаш сувлар ҳисобига тўйинадиган дарёлар;
18. Дарёларнинг тўйиниш манбалари ҳиссасини миқдорий баҳолаш усуллари;
19. Гидрографни тўйиниш манбалари бўйича вертикал бўлакларга ажратиш;
20. Ер ости сувлари ҳиссасини баҳолаш;
21. Кор сувлари ҳиссасини баҳолаш;
22. Музлик сувлари ҳиссасини баҳолаш;
23. Ёмғир сувлари ҳиссасини баҳолаш.

Синов саволлари:

1. Дарёлар қандай манбалар ҳисобига тўйинади?
2. Дарёларнинг иқлими таснифида улар қандай гуруҳларга ажратилади?
3. Дарёларнинг тўйинииш манбалари бўйича М.И.Львович таснифида қандай мезонлар қабул қилинган?
4. Ўрта Осиё дарёларининг тўйинииш манбаларига кўра қандай таснифларини биласиз?
5. Ўрта Осиё дарёларининг тўйинииш шароитига боялиқ ҳолда қайси турга мансублигини кўрсатувчи мезонларни айтинг.
6. Дарёларнинг тўйинииш манбалари ҳиссасини миқдорий баҳолашининг қандай усулларини биласиз?
7. Гидрограф бўйича тўйинииш манбалари миқдорини аниқлашда ёғин миқдори ва ҳаво ҳарорати қандай ҳисобга олинади?

9 - маъруза

Дарё оқимининг ҳосил бўлиши унга таъсир этувчи омиллар.

Ушбу маърузада дарё оқимининг ҳосил бўлиши унга таъсир этувчи омиллар, жумладан, иқлимий омиллар, дарё ҳавзаси рельефи, тупроқ, ўсимлик қоплами, ҳавзанинг геологик тузлиши, инсон хўжалик фаолияти ва бошқа омилларнинг оқимга таъсири, дарё оқимини ифодалаш усувлари, оқим меъёри, дарё оқимининг ўзгарувчанлиги, оқимнинг йил ичидаги вайилларо тебраниши каби масалалар ёритилади.

Маърузанинг кенгайтирилган режаси:

1. Дарё оқимининг ҳосил бўлиши;
2. Дарё оқимининг ҳосил бўлишига таъсир этувчи омиллар;
3. Дарё ҳавзасининг географик ўрни ва унинг оқимга таъсири;
4. Дарё ҳавзасининг геологик тузилиши ва уни оқимга таъсири;
5. Тоғ дарёлари оқимининг ҳосил бўлишида рельефнинг таъсири;
6. Иқлимий омилларнинг дарё оқимига таъсири;
7. Тупроқ қопламининг оқим ҳосил бўлишига таъсири;
8. Оқим ҳосил бўлишида ўсимлик қопламининг таъсири;
9. Инсон хўжалик фаолияти ва бошқа омилларнинг оқимга таъсири;
10. Дарё оқимини турли ўлчам бирликларида ифодалаш;
11. Дарё оқимини сув сарфи орқали ифодалаш;
12. Оқим ҳажми;
13. Оқим модули;
14. Оқим қатлами;
15. Оқимнинг модул коэффициенти;
16. Оқим меъёри (нормаси);
17. Дарё оқимининг ўзгарувчанлиги ва уни белгиловчи омиллар;
18. Дарё оқимининг йилларо тебраниши;
19. Вариация коэффициенти ва уни ҳисоблаш;
20. Оқимнинг йил давомида тақсимланиши ва уни ҳисоблаш;
21. Дарё ҳавзаси сув баланси тенгламаси;
22. Гидрологик йил ва унинг Ўрта Осиёда бошланиши;
23. Оқим нормасини аниқлашда дарё оқимининг йилларо ўзгарувчанлигини ҳисобга олиш;
24. Оқимнинг интеграл эгри чизиги;
25. Оқимнинг йилларо ўзгаришини ва йил давомида тақсимланишини ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти.

Синов саволлари:

1. Дарё оқимининг ҳосил бўлишига таъсир этувчи омилларни санаб беринг.
2. Иқлимий омиллар дарё оқимининг ҳосил бўлишига қандай таъсир кўрсатади?
3. Тоғ дарёлари оқимининг ҳосил бўлишида рельефнинг таъсири нималарда акс этади?
4. Ўрта Осиё мисолида дарё оқимига антропоген омиллар таъсирини ёритиб беринг.
5. Дарё оқимини турли ўлчам бирликларида ифодалашда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?
 6. Дарё ҳавзаси сув мувозанатининг кирим ва чиқим қисми элементларини айтиб беринг.
 7. Гидрологик йил нима ва у Ўрта Осиёда қачондан бошланади?
 8. Оқим нормаси нима?
 9. Оқим нормасини аниқлашда дарё оқимининг йилларо ўзгарувчанлиги қандай ҳисобга олинади?
 10. Оқимнинг интеграл эгри чизиги нима мақсадда чизилади?
 11. Вариация коэффициенти нима ва у қандай ҳисобланади?

12. Оқимнинг йил давомида тақсимланишини ва йиллараро ўзгаришини ўрганишининг илмий ва амалий аҳамияти нималардан иборат?

10 - маъруза **Дарёларнинг лойқа оқизиқлари**

Ушбу маърузада дарёларнинг энергияси ва иши, дарёлар лойқа оқизиқларининг ҳосил бўлишига таъсир этувчи табиий ва антропоген омиллар, оқизиқларнинг турлари ва уларни ифодалаш усуллари, гидравлик йириклиги, ўртacha диаметри, оқизиқлар оқимининг йил давомида тақсимланиши ва йиллараро тебраниши каби масалалар кўрилади.

Маърузанинг кенгайтирилган режаси:

1. Дарёларнинг энергияси ва иши;
2. Дарёларнинг лойқа оқизиқлари;
3. Лойқа оқизиқларнинг ҳосил бўлиши;
4. Лойқа оқизиқларнинг турлари;
5. Муаллақ оқизиқлар;
6. Ўзан туби оқизиқлари;
7. Дарёларнинг лойқа оқизиқларига таъсир қилувчи омиллар;
8. Лойқа оқизиқларнинг ҳосил бўлишига таъсир табиий омилларнинг таъсири;
9. Лойқа оқизиқларнинг ҳосил бўлишига антропоген омилларнинг таъсири;
10. Дарё оқизиқларини ифодалаш усуллари;
11. Оқизиқлар сарфи;
12. Лойқалик;
13. Оқизиқлар ҳажми;
14. Оқизиқлар модули;
15. Ювилиш қатлами;
16. Эрозион метр;
17. Оқизиқларнинг гидравлик йириклиги;
18. Оқизиқларнинг ўртacha диаметри;
19. Шоклич коэффициенти;
20. Эри конуни;
21. Оқизиқлар оқимининг йил давомида ўзгариши;
22. Оқизиқлар оқимининг йиллараро тебраниши;
23. Дарё ҳавзасида кечадиган сув эрозияси жадаллиги ва уни баҳолаш.

Синов саволлари:

1. Дарёларнинг энергияси ва унинг асосий қўрсаткичлари қандай аниқланади?
2. Дарёларнинг лойқа оқизиқлари нима мақсадда ўрганилади?
3. Дарёларнинг лойқа оқизиқлари қандай омиллар таъсирида ҳосил бўлади?
4. Оқим модули ёки ювилиши модули нима?
5. Муаллақ ва ўзан туби оқизиқларининг фарқини айтинг.
6. Дарё ҳавзасида кечадиган сув эрозияси жадаллиги қандай баҳоланади?

11 - маъруза **Ўзан жараёнлари ўзан оқими динамикаси ҳақида**

Ушбу маърузада асосий эътибор ўзан оқими динамикаси, ўзан жараёнлари, дарё оқими ва ўзаннинг ўзаро таъсири, ўзан жараёнлари турлари, ўзан турғунлиги, ўзан турғунлигига кўра миқдорий қўрсаткичлар (В.М.Лохтин, М.А.Великанов), инсон хўжалик фаолиятининг ўзан жараёнларига таъсирига қаратилади.

Маърузанинг кенгайтирилган режаси:

1. Ўзан оқими динамикаси ва уни ифодалловчи катталиклар;
2. Ўзандаги сув оқимининг гидродинамик таҳлили;
3. Турбулент режимли оқим параметрлари;
4. Ўзан жараёнлари ва уларни ўрганишнинг илмий-амалий аҳамияти;
5. Дарё оқими ва ўзаннинг ўзаро таъсири;
6. Ўзан жараёнлари турлари;
7. Ўзан турғунлиги;
8. Ўзан турғунлигига кўра миқдорий кўрсаткичлар (В.М.Лохтин, М.А.Великанов);
9. Инсон хўжалик фаолиятининг ўзан жараёнларига таъсири;
10. Ўзанни ташкил этувчи тупроқ грунтлар;
11. Ўзанни ташкил этувчи лойқа оқизиқлар;
12. Ўзанни ташкил этувчи тупроқ грунтлар ва лойқа оқизиқларнинг асосий характеристикалари;
13. Гидротехник инишоотларнинг ўзан жараёнларига таъсири.

Синов саволлари:

1. Ўзан жараёнлари ва ўзан оқими динамикаси курсининг мақсади ва вазифалари.
2. Ўзандаги сув оқимининг гидродинамик таҳлили. Турбулент режимли оқим параметрлари ва уларни ҳисоблаши.
3. Ўзанни ташкил этувчи тупроқ грунтлар ва лойқа оқизиқларнинг асосий характеристикалари.
4. Гидротехник инишоотларнинг ўзан жараёнларига таъсирини ўрганиши.

12 - маъруза

Сел тошқинлари

Ушбу маърузада селлар, селларнинг ҳосил бўлиши ва типлари, сел оқимлари ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари, сел тошқинларига қарши чора-тадбирлар, Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида кузатиладиган сел тошқинларининг ўзига хос хусусиятлари баён этилади.

Маърузанинг кенгайтирилган режаси:

1. Сел тошқинлари ҳақида умумий маълумотлар;
2. Сел тушунчаси ҳақида;
3. Сел тошқинларининг таснифлари;
4. Сел тошқинларини шакллантирувчи омиллар;
5. Селларнинг ҳосил бўлиши;
6. Сел тошқини жараёни ва унинг умумий тавсифи;
7. Селларни тадқиқ этиш усуллари;
8. Селларнинг типлари;
9. Тўғонли кўллар келтириб чиқарадиган сел тошқинлари;
10. Гляциоген келиб чиқишли сел тошқинлари;
11. Жала ёмғирлар ҳосил қиласидиган сел тошқинлари;
12. Арадаш сувлар ҳисобига ҳосил бўладиган сел тошқинлари;
13. Сел ва сел оқимининг ҳаракати;
14. Сел оқими ҳаракатининг асосий кўрчаткичлари;
15. Сел тошқинлари ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари;
16. Сел тошқинлари ётқизиқлари;
17. Сел тошқинларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар;
18. Сел тошқинлари зарарини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар;
19. Ўрта Осиё тоғли ҳудудида кузатиладиган сел тошқинларининг ўзига хос хусусиятлари;

Синов саволлари:

1. Сел тошқинларининг қандай турларини биласиз?.
2. Сел жараёнини умумий тавсифланг.
3. Селларнинг ҳосил бўлиши қандай омилларга боғлиқ?
4. Сел оқими ҳаракатини ифодаловчи қандай катталикларни биласиз?
5. Сел оқими тезлигини қандай аниқлаши мумкин?
6. Сел оқими сарфини аниқлаши усулини биласизми?
7. Селларни тадқиқ этишининг қандай усулларини биласиз?
8. Селлар қандай белгилари бўйича таснифланади?
9. Сел тошқинлари ҳавфини ва зарарини камайтиришига қаратилган чора-тадбирлар нималардан иборат?
10. Ўзбекистоннинг төгли ҳудудида сел тошқинлари тез-тез кузатиладиган дарё ҳавзаларини айтиб беринг.

13- маъруза**Дарёларда эриган моддалар оқими**

Ушбу маърузада дарёларда эриган моддалар оқими, дарё сувларининг минераллашуви ва кимёвий таркиби, эриган моддалар оқими ва уни ҳисоблаш усуллари ҳамда дарё сувидаги эриган моддалар оқимини ҳамда уларнинг кимёвий таркибини ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳақидаги фикрлар баён этилади.

Маърузанинг кенгайтирилган режаси:

1. Дарёларда эриган моддалар оқими ва уни шакллантирувчи омиллар;
2. Дарё сувининг минераллашуви;
3. Дарё сувининг минераллашуви бўйича синфларга бўлиниши;
4. Дарё сувининг кимёвий таркиби;
5. Дарё сувидаги эриган моддалар оқими ва уни ҳисоблаш усуллари;
6. Дарё сувининг гидрохимиявий режимини белгиловчи асосий ионлар;
7. Асосий анионлар ва катионлар;
8. Табиий сувларнинг О.А.Алёкин таснифи бўйича синфлари;
9. Дарё сувидаги мавжуд ионли оқим ва уни ҳисоблаш усуллари;
10. Ионли оқим сарфи;
11. Ионли оқим ҳажми;
12. Ионли оқим модули;
13. Ионли оқим модулини аниқлаш ва дарё ҳавзасида кечадиган кимёвий эрозия жадаллигини баҳолаш.
14. Дарё сувидаги эриган моддалар оқимининг йил двомида ўзгариши;
15. Дарё сувидаги эриган моддалар оқимининг йиллараро ўзгариши;
16. Дарё сувидаги эриган моддалар кимёвий таркибини ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти.
17. Дарё сувининг минераллашуви ва кимёвий таркибига антропоген омиллар таъсири;

Синов саволлари:

1. Дарё сувининг гидрохимиявий режимини белгиловчи асосий ионларни айтинг.
2. Дарё сувининг минераллашуви қандай тушунасиз?
3. Табиий сувлар О.А.Алёкин таснифи бўйича қандай синфларга бўлинади?
4. Дарё сувидаги мавжуд бўлган ионли оқим қандай ҳисобланади?
5. Ионли оқим модули нима ва қандай аниқланади?

14- маъруза**Кўллар. Кўллар ҳақида умумий малумотлар**

Ушбу маърузада “кўл” тушунчаси ва унинг турли тадқиқотчилар томонидан таклиф этилган таърифлари таҳлил қилиниб, шу масала бўйича умумлаштирувчи фикрлар баён

этилади, сўнг кўлларни пайдо бўлиш шароити, яъни генезисига боғлиқ ҳолда таснифлаш, кўлларнинг гидрологик режими, кўллар сув ресурсларини миқдорий баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари ёритилади.

Маъruzанинг кенгайтирилган режаси:

1. Кўллар ҳақида умумий маълумотлар;
2. Кўллар географияси;
3. Дунё кўллари;
4. Евроосиё кўллари;
5. Ўрта Осиё кўллари;
6. Ўзбекистон кўллари;
7. Кўлларнинг пайдо бўлиши;
8. Кўлларни пайдо бўлиши, яъни генезисига боғлиқ ҳолда таснифлаш;
9. Кўллар морфологияси;
10. Кўллар морфометрияси;
11. Кўлларнинг тўйиниши;
12. Кўлларнинг сув сатҳи режими;
13. Кўлларнинг сув баланси тенгламалари;
14. Кўллар сув баланси тенгламасининг тўйинтирувчи элементлари;
15. Кўллар сув баланси тенгламасининг сарфланувчи элементлари;
16. Кўлларнинг ҳарорат режими;
17. Кўлларнинг гидрокимёвий режими;
18. Кўлларда сув массаларининг ҳаракати;
19. Кўлларнинг биологик хусусиятлари;
20. Кўлларнинг маҳсулдорлиги;
21. Кўллар ва атроф муҳит муҳофазаси;
22. Кўллар эволюцияси;
23. Кўллар сув ресурсларини баҳолаш;
24. Кўллар сув ресураларини муҳофаза қилиш;
25. Кўллар сув ресураларидан самарали фойдаланиш;
26. Кўллар билан боғлиқ бўлган муаммолар;
27. Орол, Сарез ва Айдар-Арнасой кўллари билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Синов саволлари:

1. Кўл деб қабул қилинадиган сув ҳавзаси қандай шартларга жавоб бершии керак?
2. Кўл ботиги ва кўл косасининг фарқини айтинг.
3. Кўл косасида қандай қисмлар ажратилади?
4. Литорал ва сублиторал тушунчаларининг маъносини айтиб беринг.
5. Профундал нима?
6. Ер шаридаги кўлларга қисқача тавсиф беринг.
7. Евросиё материги кўлларига хос бўлган хусусиятлар нималардан иборат?
8. Ўрта Осиё кўллари жойлашиши ўрнига бөглиқ ҳолда қандай гуруҳларга ажратилади?
9. Ўрта Осиёнинг тоз кўлларига хос бўлган хусусиятларни айтинг.
10. Текислик кўллари қандай сувлар ҳисобига тўйинади?
11. Кўлларни келиб чиқиши-генезиси бўйича таснифлашнинг аҳамиятини айтиб беринг.
12. Кўлларнинг генезиси бўйича таснифлари қайси олимлар томонидан ишлаб чиқилган?
13. М.А.Первухин таснифи қачон яратилган, унда кўллар қандай гуруҳларга бўлинади?
14. Б.Б.Богословский таснифининг олдинги таснифлардан фарқи нимада?
15. Ўрта Осиё кўлларининг А.М.Никитин таклиф этган таснифини биласизми?
16. Антропоген кўллар қандай гуруҳларга ажратилади?
17. "Кўллар морфологияси" ва "кўллар морфометрияси" тушунчаларини маъносини айтиб беринг.

18. Кўллар сув юзасининг шакли ва ўлчамлари қандай кўрсаткичлар орқали ифодаланади?
19. Кўлнинг сув юзаси майдони қандай аниқланади?
20. Кўллар косаларининг шакли ва ўлчамларини ифодаловчи кўрсаткичларни санаб беринг.
21. Кўл туби ниишаблиги қандай аниқланади?
22. Кўлларнинг майдон ва ҳажм эгри чизиқлари қандай чизилади?
23. Кўлларнинг морфометрик белгилари бўйича қандай таснифларини биласиз?
24. П.В.Иванов кўлларнинг қандай таснифларини таклиф этган?
25. Ўрта Осиё кўллари морфологияси ва морфометриясига қисқача тавсиф беринг.
26. Кўлларнинг сув мувозанатига қандай омиллар таъсир этади?
27. Кўллар сув мувозанатининг кирим қисми-тўйинтирувчи элеменларини санаб ўтинг.
28. Кўллар сув мувозанатининг чиқум қисми-сарфланувчи элеменларига нималарга киради?
29. Оқар ва берк кўллар сув мувозанати тенгламаларининг фарқини айтинг.
30. Кўлларнинг сув мувозанати бўйича таснифи қайси олим томонидан таклиф этилган?
31. Кўлларнинг сув сатҳи режими қандай омилларга бўғлиқ?
32. Кўлларда сув сатҳини кузатшида нималарга эътибор берилади?
33. Кўллар сув сатҳи режимининг зоналлиги нималарда акс этади?
34. Год кўллари сув сатҳи режимининг ўзига хос хусусиятларига тавсиф беринг.
35. Ўрта Осиё кўлларида сув сатҳининг тебраниши фазаларини айтинг.
36. Кўлларнинг ҳарорат режимига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
37. Кўлларнинг иссиқлик мувозанати тенгламасини тузшида қандай элеменлар ҳисобга олинади?
38. Кўлларда сувнинг ҳарорати чуқурлик бўйича қандай ўзгаради?
39. Тўғри ва тескари ҳарорат стратификацияси нима?
40. Мезотермия, дихотермия, гомотермия, эпилимнион, металимнион, гиполимнион атамаларининг маъноларини айтиб беринг.
41. Изотерма нима?
42. Кўлларнинг ҳарорат режимига кўра қандай таснифларини биласиз?
43. Ўрта Осиё кўллари ҳарорат режимининг йиллик циклida қандай даврлар ажратилади?
44. Ўрта Осиё кўлларида баҳорги-ёзги исии даври қачон бошланади?
45. Кўллар, суви маркибида эриган тузлар миқдорига бояглиқ ҳолда, қандай турларга ажратилади?
46. Макрокомпонентлар ва микрокомпонентлар тушунчаларини тавсифлаб беринг.
47. Ўрта Осиё кўллари сувнинг минераллашув даражаси баландлик бўйича қандай ўзгаради?
48. Кўллар, сувнинг биоген элеменлар билан тўйинши даражасига бояглиқ ҳолда, қандай гурӯхларга ажратилади?
49. Олиготроф, евтроф, дистроф ва мезотроф тушунчаларини тавсифланг.
50. Кўлларда сувнинг ҳаракати қандай омиллар таъсирида юзага келади?
51. Юза ва ички тўлқинлар бир-биридан қандай фарқланади?
52. Тўлқинларни ўрганишида қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?
53. Дрейф оқимлар нима?
54. Гравитацион ёки градиент оқимлар қандай ҳосил бўлади?
55. Сув кўтарилиши(нагон) ва пасайиши(сгон) ҳодисалари қандай омил таъсирида юзага келади?
56. Сейшлар қандай ҳосил бўлади?
57. Конвектив ва динамик аралашишлар фарқи нимада?
58. Кўлларда сувнинг аралашиши қандай аҳамиятга эга?
59. Кўллар эволюцияси деганда нимани тушунасиз?
60. Кўл туби чўқмалари қандай ҳосил бўлади?

61. Автохтон келиб чиқиши күл туби чўқмалари қандай ҳосил бўлади?
62. Аллохтон келиб чиқиши күл туби чўқмаларини ҳосил қилувчи омилларни эсланг.
63. Кўл косаси шаклиниг эволюциясига қандай омиллар таъсир этади?
64. Кўллар сув режимига антропоген омиллар таъсирини Орол денгизи мисолида қисқача ёритиб беринг.

15 - маъруза

Сув омборлари. Сув омборлари ҳақида умумий маълумотлар

Ушбу маърузада дастлаб сув омборлари ҳақида умумий маълумотлар келтирилиб, сўнгра сув омборларини барпо этиш ва улардан фойдаланиш масалалари, сув омборларининг типлари ва уларни таснифлаш, сув омборлари морфологияси ва морфометрияси, сув омборларининг сув баланси ва сув сатҳи режимининг ўзига хос хусусиятлари, сув омборлари билан боғлиқ бўлган айрим муаммолар ҳамда сув омборларидан амалиётда комплекс фойдаланиш масалалари баён этилади.

Маърузанинг кенгайтирилган режаси:

1. Сув омборлари ҳақида умумий маълумотлар;
2. Сув омборлари географияси;
3. Сув омборларини барпо этиш тарихидан;
4. Сув омборларининг типлари;
5. Сув омборлари ва уларни таснифлаш;
6. Сув омборлари морфологияси;
7. Сув омборлари морфометрияси;
8. Сув омборларининг асосий параметрлари;
9. Сув омборларининг сув баланси;
10. Сув балансиниг тўйинтирувчи элементлари;
11. Сув балансиниг сарфланувчи элементлари;
12. Сув омборларининг сув сатҳи режими;
13. Сув омборларининг сув сатҳи режимининг ўзига хос хусусиятлари;
14. Сув омборлари билан боғлиқ бўлган айрим муаммолар;
15. Тухтағул сув омбори ва у билан боғлиқ бўлган муаммолар;
16. Курилаётган Роғун сув омбори билан боғлиқ бўлган муаммолар;
17. Сув омборларидан комплекс фойдаланиш масалалари.

Синов саволлари:

1. Сув омборлари қандай мақсадларда қурилади?
2. Ер юзидағи сув омборларига қисқача тавсиф беринг.
3. Ўзбекистон сув омборларининг ўзига хос хусусиятлари нималарда акс этади?
4. Ёпиқ ва очиқ сув, омборларининг фарқи нимада?
5. Сув омборларининг умумий ҳажми қандай ташкил этувчилардан иборат?
6. Сув омборларининг ўрнини танлашда нималарга эътибор берилади?
7. Сув омборининг фойдасиз ҳажмини танлашда қандай омиллар эътиборга олинади?
8. Сув омборлари қандай белгилари бўйича таснифланади?
9. Дарё оқимини бошқаришига кўра сув омборлари қандай турларга бўлинади?
10. Дарё оқимини йиллараро тартибга солишга мўлжсалланган сув омборларига мисоллар келтиринг.
11. Сув омборлари жойлашиши ўрнига боғлиқ ҳолда қандай турларга бўлинади?
12. Ер сиртидағи ботикларда барпо этилган, яъни тўлдириладиган сув омборларига мисоллар келтиринг.
13. Сув омборларининг сув сатҳи режими қандай омилларга боғлиқ?
14. Сув омборларининг сув баланси тенгламасида ҳисобга олинадиган элементларни санаб беринг.

15. Ўрта Осиё сув омборларининг сув сатҳи ва сув балансининг ўзига хос хусусиятларини тавсифланг.
16. Ўзбекистон сув омборларининг ҳарорат режими қандай омилларга боғлиқ?
17. Ўрта Осиё сув омборларининг гидрохимиявий режими ҳақида нималарни биласиз?
18. Сув омборлари динамикасини белгиловчи асосий омилларни айтинг.
19. Сув омборларининг седиментация баланси тенгламаси қандай тузилади?
20. Седиментация баланси тенгламаси элементларини миқдорий баҳолашида қандай маълумотлардан фойдаланилади?
21. Гидрометрик кузатишлар олиб борилмайдиган дарё ва соилар суви билан сув омборига қўшиладиган лойқа оқизиқлар миқдори қандай баҳоланади?
22. Сув омборида чўккан лойқа оқизиқлар ҳажмини аниқлашида қандай усуllibардан фойдаланилади?
23. Сув омбори қурилгач, унинг таъсир зонасида қандай ўзгаришлар кузатилади?
24. Ўзбекистон сув омборлари юзасидан бўладиган ўртacha ишллик бугланиши миқдори қандай қийматларга эга?
25. Тоғли ҳудудларда қурилган сув омборлари қандай афзалликларга эга?
26. Туямўйин ва Рогун сув омболари билан боғлиқ бўлган қандай муаммоларни биласиз?
27. Сув омборларида амалга ошириладиган маҳсус гидрологик кузатишларнинг аҳамияти нималардан иборат?

16- маъруза

Музликлар ва уларнинг гидрологик аҳамияти

Ушбу маърузада музликларнинг ҳосил бўлиш шарт-шароитлари, қор чизифи, қор кўчкилари, қорнинг глетчер музига (музликка) айланиши, музликлар режими, абляция, музликларнинг турлари ва тарқалиши, музликлар динамикаси, музликларнинг гидрологик аҳамияти каби масалалар ёритилади.

Маърузанинг кенгайтирилган режаси:

1. Музликларнинг ҳосил бўлиш шарт-шароитлари;
2. Қор чизифи;
3. Қор қоплами;
4. Қор кўчкилари;
5. Қор кўчкиларининг турлари;
6. Қор кўчкиларининг олдини олиш чора тадбирлари;
7. Фирн-котган қорнинг ҳосил бўлиши;
8. Музликлардаги ёриқларнинг ҳосил бўлиши;
9. Музликлар ҳосил бўлишини белгиловчи асосий омиллар;
10. Фирн чизигининг табиий моҳияти;
11. Мореналарнинг ҳосил бўлши;
12. Материк ва тоғ музликларининг фарқи;
13. Тоғ музликларининг турлари;
14. Ер куррасида музликларнинг тақсимланиши;
15. Дарё ҳавзасидаги музлик унинг оқимига таъсири;
16. Асосан музлик сувлари ҳисобига тўйинадиган дарёларда тўлинсув даврининг бошланиши;
17. Ўрта Осиё дарёларининг тўйинишида музликларнинг ҳиссаси;
18. Ўзбекистон музликлари дарёлар ҳавзалари бўйича тақисмланиши;
19. Ўзбекистондаги энг катта музлик;
20. Ўзбекистонда музликларнинг гидрологик режими;
21. Қорнинг глетчер музига (музликка) айланиши;
22. Музликлар режими;
23. Абляция;

24. Музликларнинг турлари ва тарқалиши;
25. Музликлар динамикаси;
26. Музликларнинг гидрологик аҳамияти.

Синов саволлари:

1. Қор қоплами қандай ҳосил бўлади?
2. Қор чизиги ёки қор чегарасининг табиий моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Қор чизиги баландлиги географик кенгликлар бўйича қандай ўзгаради?
4. Қор кўчкиласига таъриф беринг.
5. Қор кўчкиласи қандай турларга бўлинади?
6. Қор кўчкиласининг олдини олиш мақсадида қандай тадбирлар амалга оширилади?
7. Фирн-қотган қор қандай ҳосил бўлади?
8. Глетчер музлигининг зичиги қандай оралиқларда ўзгаради?
9. Музликлардаги ёриқлар қандай ҳосил бўлади?
10. Музликлар ҳосил бўлишини белгиловчи омилларни санаб беринг.
11. Фирн чизигининг табиий моҳиятини тушунтиринг.
12. Мореналар қандай ҳосил бўлади?
13. Материк ва тоз музликларининг фарқи нимада?
14. Тоз музликларининг қандай турларини биласиз?
15. Ер куррасида музликларнинг тақсимланишига умумий тавсиф беринг.
16. Дарё ҳавзасидаги музлик унинг оқимиға қандай таъсир кўрсатади?
17. Асосан музлик сувлари ҳисобига тўйинадиган дарёларда тўлинсув даври қачон кузатилади?
18. Ўрта Осиё дарёларининг тўйининида музликларнинг ҳиссасига умумий тавсиф беринг.
19. Ўзбекистон музликлари қайси дарёлар ҳавзасида жойлашган?
20. Ўзбекистондаги энг катта музликни айтинг.
21. Ўзбекистонда музликларнинг гидрологик режимини ўрганадиган қандай муассасаларни биласиз?

17 - маъруза

Сув ресурслари, сув ресурслари муҳофазаси ва улардан самарали фойдаланиш масалалари

Ушбу маърузада “сув ресурслари” тушунчаси, сув ресурслари таснифлари, Ўрта Осиё ва умуман Орол ҳавзаси сув ресурслари, трансчегаравий сув ресурслари, улардан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, сув ресурсларининг дарёлар ҳавзалари бўйича тақсимланиши масалалари ёритилади.

Январдан

Июлдан

Августдан

Тузувчилар:

проф. Ҳикматов Ф.Х.

доц. Аденбаев Б.Е.

доц. Юнусов F.X,

ўқитувчи Рахмонов К.Р.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

**“Гасдиқлайман”
 география факультети
 декани _____
 доц. Махамадалиев Р.Й.
 “26” август 2011 й**

1. Гидрология фанининг таърифини эсланг.
2. Гидрология фани ўрганадиган сув объектларига боғлиқ ҳолда неча қисмга бўлинади?
3. Куруқлик гидрологияси қандай сув объектларини ўрганади?
4. Гидроэкология фанининг шаклланиш жараёни қандай муаммолар билан боғлик?
5. Гидрологияда қандай тадқиқот усулларидан фойдаланилади?
6. Гидрология фанининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини эсланг.
7. Буюк алломалар-Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Захриддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг Ўрта Осиёда сув ил-мининг шаклланиши ва ривожланишига кўшган ҳиссалари нималардан иборат?
8. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда гидрологиянинг ривожланиши ҳақида нималарни биласиз?
9. Ер куррасида куруқлик ва сув юзалари қандай тақсимланган?
10. Ер куррасида сувнинг катта ва кичик айланишларида қандай тизимлар иштирок этади?
11. Материклар ичida намликтининг айланиши қай тарзда кечади?
12. Океанга туташ ёки чекка оқимли ҳудуд деганда нимани тушунасиз?
13. Ички оқимли ҳудуд ёки берк ҳавзаларга мисол келтиринг.
14. Ер курраси сув мувозанатининг кирим ва чиқим қисмлари элементларини айтиб беринг.
15. Ер курраси сув мувозанати элементларининг миқдорий қийматларини эслай оласизми?
16. Ёғинларнинг ҳосил бўлиши механизмини эсланг.
17. Ёғин миқдорини белгиловчи омилларни айтинг.
18. Ёғин миқдорини ўлчаш аниқлиги қандай омилларга боғлиқ бўлади?
19. Ёғин миқдорининг ўлчов аниқлигига тузатмалар киритишда нималар эътиборга олинади?
20. Ёғин градиенти қандай ҳисобланади?
21. Қандай ёғин турларини биласиз?
22. Қор қопламини тавсифлашда қандай тушунчалардан фойдаланилади?
23. Ёмғирларнинг қандай турларини биласиз?
24. Жала ёмғирларни аниқлашда асосий мезон нима?
25. Ёмғирнинг ёғиши жадаллиги қандай аниқланади?
26. Ёғин меъерини аниқлашда нималарга эътибор бериш лозим?
27. Дарё ҳавzasига ёққан ёғин қатламини аниқлашнинг қандай усулларини биласиз?
28. Ўртача арифметик усулнинг моҳиятини эсланг.
29. Медиана-тортиш, квадратлар, изогиетлар усулларининг бир-биридан фарқларини эсланг.
30. Тоғ дарёси ҳавzasига ёққан ёғин қатламини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
31. Буғланишнинг табиий моҳиятини тушунтиринг.
32. Дальтон қонунини эсланг.
33. Диффузион ва конвекцион буғланишларнинг фарқи нимада?
34. Шамолнинг флюгер баландлигидаги тезлигидан ер сиртидан исталган баландликдаги тезликка қандай ўтилади?
35. Сув юзасидан бўладиган буғланиш миқдорини аниқлашнинг Б.Д.Зайков таклиф этган ифодасини биласизми?

36. Сув юзасидан бўладиган буғланиш миқдори сув юзаси температурасига боғлиқ ҳолда қандай аниқланади?
37. Сув юзасидан бўладиган буғланиш миқдори ҳаво температурасига боғлиқ ҳолда қандай аниқланади?
38. Йилнинг иссиқ даври, яъни апрел-октябр ойларидаги йигинди буғланиш қандай ҳисобланади?
39. Йиллик меъёрий буғланиш миқдорини аниқлашнинг қандай усулларини биласиз?
40. Буғланиш картасидан қандай фойдаланилади?
41. А.Р.Константинов таклиф этган номограмма ёрдамида йиллик меъёрий буғланиш миқдорини аниқлаш учун қандай маълумотлар зарур бўлади?
42. М.И.Будико номограммасидан йиллик меъёрий буғланиш миқдори қандай аниқланади?
43. Ойлик меъёрий буғланишни аниқлашнинг қандай усулларини биласиз?
44. П.С.Кузин усулининг моҳиятини тушунтиринг.
45. Б.В.Поляков графигидан қандай фойдаланилади?
46. Ер ости сувларининг пайдо бўлиши ҳақидаги қандай гипотезаларни биласиз?
47. Ер ости сувлари пайдо бўлишининг ювенил назарияси моҳиятини тушунтириб беринг.
48. Реликт ер ости сувлари қандай пайдо бўлади?
49. Ер ости сувлари генезиси бўйича қандай гурухларга бўлинади?
50. Вадоз сувлар қандай ҳосил бўлади?
51. Ювенил ва седиментацион ер ости сувларининг фарқи нимада?
52. Ер ости сувлари жойлашиш ўрнига боғлиқ ҳолда қандай турларга бўлинади?
53. Артезиан сувлар нима?
54. Ер ости сувлари таркибида эриган тузлар миқдорига қараб қандай гурухларга ажратилади?
55. Инфлюация ҳодисасининг моҳиятини тушунтириб беринг.
56. Ер ости сувларининг сарфи қандай ифода билан аниқланади?
57. Фильтрация-сизиб ўтиш коэффициентининг моҳия-тини изоҳланг.
58. Ер ости сувлари сатҳининг тебранишига қандай омиллар таъсир этади?
59. Ер ости сувлари тўйинишининг нечта тури мавжуд?
60. 3.Ер ости сувлари минераллашув даражасига кўра қандай гурухларга ажратилади?
61. Ер ости ва ер усти сувларининг ўзаро боғлиқлигини изоҳлаб беринг.
62. Ер ости сувлари қандай манбалар ҳисобига тўйинади?
63. Ўрта Осиё дарёларининг тўйинишида ер ости сувлари ҳиссаси қандай?
64. Қандай табиий-географик жараёнлар ер ости сувлари иштироқида кечади?
65. Кўчки ҳодисасининг моҳиятини тушунтириб беринг.
66. Карст ва суффозия жараёнларига мисол келтиринг.
67. Дарёга таъриф беринг.
68. Бош дарё қандай белгилари билан ажралиб туради?
69. Океан ва континент дарёларга мисоллар келтиринг.
70. Дарё системаси нима?
71. Гидрографик тўр дейилганда нимани тушунасиз?
72. Дарё узунлиги бўйича қандай қисмларга бўлинади?
73. Дарёларнинг юқори оқимиға хос бўлган хусусиятларни эсланг.
74. Дарё дельтаси қандай ҳосил бўлади?
75. Сувайирғичлар таърифини эсланг.
76. Жаҳон сувайирғич чизигининг йўналишини картадан кўрсатинг.
77. Дарё ҳавzasи ва сув тўплаш майдонининг таърифларини эсланг.
78. Маълум бир дарё ҳавzasига хос бўлган алоҳида хусусиятлар қандай табиий-географик омиллар билан аниқланади?
79. Дарё ҳавзасининг географик ўрнини аниқлашда нималарга эътибор берилади?
80. Дарё ҳавзасининг иқлим шароити қандай омиллар таъсирида намоён бўлади?

81. Дарё системасининг шакли ва ўлчамлари қандай кўрсаткичларда акс этади?
82. Дарё системасининг шакл ва ўлчам кўрсаткичлари қандай мақсадда аниқланади?
83. Дарё ҳавзасининг шакл ва ўлчам кўрсаткичларини эсланг.
84. Дарё ҳавзасининг ўртача баландлигини аниқлашнинг қандай усулларини биласиз?
85. Дарё ҳавзасининг гипсографик эгри чизиги қандай чизилади? 1. Дарё водийсининг элементларини айтиб беринг.
86. Дарё ўзани деганда нимани тушунасиз?
87. Ўзаннинг кўндаланг қирқими қандай элементлардан ташкил топган?
88. Гидравлик радиус қандай аниқланади?
89. Дарёлар бурилган жойда сув юзасининг кўндаланг қирқими нима учун горизонтал бўлмайди?
90. Дарёлар сув режимиининг элементларини айтиб беринг.
91. Дарёларда сув сатхини ўлчаш ишлари қандай амалга оширилади?
92. Дарёларнинг сув сатхи режимига қандай омиллар таъсир этади?
93. Сув сатхини кузатиш маълумотларининг амалий аҳамиятини ёритиб беринг.
94. Дарёлар сув режимиининг йиллик ўзгаришини қандай даврларга ажратиш мумкин?
95. Тўлинсув даврига таъриф беринг.
96. Дарёларнинг, сув режими даврларига кўра, қандай таснифларини биласиз?
97. Сув сарфининг таърифи ва ўлчам бирликларини айтинг.
98. Сув сарфи маълум бўлса, кўндаланг қирқимдаги ўртача тезлик қандай аниқланади?
99. Сув сарфи эгри чизиги чизмаси қандай мақсадда чизилади?
100. Сув сафри эгри чизиги чизмасини чизишда қандай маълумотлардан фойдаланилади?
101. Дарёлар қандай манбалар ҳисобига тўйинади?
102. Дарёларнинг иқлимий таснифида улар қандай гуруҳларга ажратилади?
103. Дарёларнинг тўйиниш манбалари бўйича М.И.Львович таснифида қандай мезонлар қабул қилинган?
104. Ўрта Осиё дарёларининг тўйиниш манбаларига кўра қандай таснифларини биласиз?
105. Ўрта Осиё дарёларининг тўйиниш шароитига боғлиқ ҳолда қайси турга мансублигини кўрсатувчи мезонларни айтинг.
106. Дарёларнинг тўйиниш манбалари хиссасини миқдорий баҳолашнинг қандай усулларини биласиз?
107. Гидрограф бўйича тўйиниш манбалари миқдорини аниқлашда ёғин миқдори ва ҳаво ҳарорати қандай ҳисобга олинади?
108. Дарё оқимининг ҳосил бўлишига таъсир этувчи омилларни санаб беринг.
109. Иқлимий омиллар дарё оқимининг ҳосил бўлишига қандай таъсир кўрсатади?
110. Тоғ дарёлари оқимининг ҳосил бўлишида рельефнинг таъсири нималарда акс этади?
111. Ўрта Осиё мисолида дарё оқимига антропоген омиллар таъсирини ёритиб беринг.
112. Дарё оқимини турли ўлчам бирликларида ифодалашда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?
113. Дарё ҳавзаси сув мувозанатининг кирим ва чиқим қисми элементларини айтиб беринг.
114. Гидрологик йил нима ва у Ўрта Осиёда қачондан бошланади?
115. Оқим нормаси нима?
116. Оқим нормасини аниқлашда дарё оқимининг йиллараро ўзгарувчанлиги қандай ҳисобга олинади?
117. Оқимнинг интеграл эгри чизиги нима мақсадда чизилади?
118. Вариация коэффициенти нима ва у қандай ҳисобланади?
119. Оқимнинг йил давомида тақсимланишини ва йиллараро ўзгаришини ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти нималардан иборат?
- 120.
- Дарёларнинг энергияси ва унинг асосий кўрсаткичлари қандай аниқланади?
121. Дарёларнинг лойка оқизиклари нима мақсадда ўрганилади?

122. Дарёларнинг лойқа оқизиқлари қандай омиллар таъсирида ҳосил бўлади?
123. Оқим модули ёки ювилиш модули нима?
124. Муаллак ва ўзан туби оқизиқларининг фарқини айтинг.
125. Дарё ҳавзасида кечадиган сув эрозияси жадаллиги қандай баҳоланади?
126. Ўзан жараёнлари ва ўзан оқими динамикаси курсининг мақсади ва вазифалари.
127. Ўзандаги сув оқимининг гидродинамик таҳлили. Турбулент режимли оқим параметрлари ва уларни ҳисоблаш.
128. Ўзанни ташкил этувчи тупроқ грунтлар ва лойқа оқизиқларнинг асосий характеристикалари.
- 129. Гидротехник иншоотларнинг ўзан жараёнларига таъсирини ўрганиш.**
130. Сел тошқинларининг қандай турларини биласиз?.
131. Сел жараёнини умумий тавсифланг.
132. Селларнинг ҳосил бўлиши қандай омилларга боғлиқ?
133. Сел оқими ҳаракатини ифодаловчи қандай катталикларни биласиз?
134. Сел оқими тезлигини қандай аниқлаш мумкин?
135. Сел оқими сарфини аниқлаш усулини биласизми?
136. Селларни тадқиқ этишнинг қандай усулларини биласиз?
137. Селлар қандай белгилари бўйича таснифланади?
138. Сел тошқинлари ҳавфини ва зарарини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар нималардан иборат?
139. Ўзбекистоннинг тоғли худудида сел тошқинлари тез-тез кузатиладиган дарё ҳавзаларини айтиб беринг.
140. Дарё сувининг гидрохимиявий режимини белгиловчи асосий ионларни айтинг.
141. Дарё сувининг минераллашувини қандай тушунасиз?
142. Табиий сувлар О.А.Алёкин таснифи бўйича қандай синфларга бўлинади?
143. Дарё сувида мавжуд бўлган ионли оқим қандай ҳисобланади?
144. Ионли оқим модули нима ва қандай аниқланади?
145. Кўл деб қабул қилинадиган сув ҳавзаси қандай шартларга жавоб бериши керак?
146. Кўл ботифи ва кўл косасининг фарқини айтинг.
147. Кўл косасида қандай қисмлар ажратилади?
148. Литорал ва сублиторал тушунчаларининг маъносини айтиб беринг.
149. Профундал нима?
150. Ер шаридаги кўлларга қисқача тавсиф беринг.
151. Евросиё материги кўлларига хос бўлган хусусиятлар нималардан иборат?
152. Ўрта Осиё кўллари жойлашиш ўрнига боғлиқ ҳолда қандай гурухларга ажратилади?
153. Ўрта Осиёнинг тог кўлларига хос бўлган хусусиятларни айтинг.
154. Текислик кўллари қандай сувлар ҳисобига тўйинади?
155. Кўлларни келиб чиқиши-генезиси бўйича таснифлашнинг аҳамиятини айтиб беринг.
156. Кўлларнинг генезиси бўйича таснифлари қайси олимлар томонидан ишлаб чиқилган?
157. М.А.Первухин таснифи қачон яратилган, унда кўллар қандай гурухларга бўлинади?
158. Б.Б.Богословский таснифининг олдинги таснифлардан фарқи нимада?
159. Ўрта Осиё кўлларининг А.М.Никитин таклиф этган таснифини биласизми?
160. Антропоген кўллар қандай гурухларга ажратилади?
161. "Кўллар морфологияси" ва "кўллар морфометрияси" тушунчаларини маъносини айтиб беринг.
162. Кўллар сув юзасининг шакли ва ўлчамлари қандай кўрсаткичлар орқали ифодаланади?
163. Кўлнинг сув юзаси майдони қандай аниқланади?
164. Кўллар косаларининг шакли ва ўлчамларини ифодаловчи кўрсаткичларни санаб беринг.
165. Кўл туби нишаблиги қандай аниқланади?
166. Кўлларнинг майдон ва ҳажм эгри чизиқлари қандай чизилади?

167. Кўлларнинг морфометрик белгилари бўйича қандай таснифларини биласиз?
168. П.В.Иванов кўлларнинг қандай таснифларини таклиф этган?
169. Ўрта Осиё кўллари морфологияси ва морфометриясига қисқача тавсиф беринг.
170. Кўлларнинг сув мувозанатига қандай омиллар таъсир этади?
171. Кўллар сув мувозанатининг кирим қисми-тўйинтирувчи элементларини санаб ўтинг.
172. Кўллар сув мувозанатининг чиқим қисми-сарфланувчи элементларига нималарга киради?
173. Оқар ва берк кўллар сув мувозанати тенгламаларининг фарқини айтинг.
174. Кўлларнинг сув мувозанати бўйича таснифи қайси олим томонидан таклиф этилган?
175. Кўлларнинг сув сатҳи режими қандай омилларга боғлиқ?
176. Кўлларда сув сатҳини кузатишда нималарга эътибор берилади?
177. Кўллар сув сатҳи режимининг зоналлиги нималарда акс этади?
178. Тоғ кўллари сув сатҳи режимининг ўзига хос хусусиятларига тавсиф беринг.
179. Ўрта Осиё кўлларида сув сатҳининг тебраниш фазаларини айтинг.
180. Кўлларнинг ҳарорат режимига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
181. Кўлларнинг иссиқлик мувозанати тенгламасини тузишда қандай элементлар ҳисобга олинади?
182. Кўлларда сувнинг ҳарорати чуқурлик бўйича қандай ўзгаради?
183. Тўғри ва тескари ҳарорат стратификацияси нима?
184. Мезотермия, дихотермия, гомотермия, эпилимнион, металимнион, гиполимнион атамаларининг маъноларини айтиб беринг.
185. Изотерма нима?
186. Кўлларининг ҳарорат режимига кўра қандай таснифларини биласиз?
187. Ўрта Осиё кўллари ҳарорат режимининг йиллик циклида қандай даврлар ажратилади?
188. Ўрта Осиё кўлларида баҳорги-ёзги исиш даври қачон бошланади?
189. Кўллар, суви таркибида эриган тузлар миқдорига боғ-лиқ ҳолда, қандай турларга ажратилади?
190. Макрокомпонентлар ва микрокомпонентлар тушунчаларини тавсифлаб беринг.
191. Ўрта Осиё кўллари сувнинг минераллашув даражаси баландлик бўйича қандай ўзгаради?
192. Кўллар, сувнинг биоген элементлар билан тўйиниш даражасига боғлиқ ҳолда, қандай гурӯхларга ажратилади?
193. Олиготроф, евтроф, дистроф ва мезотроф тушунчаларини тавсифланг.
194. Кўлларда сувнинг харакати қандай омиллар таъсирида юзага келади?
195. Юза ва ички тўлқинлар бир-биридан қандай фарқланади?
196. Тўлқинларни ўрганишда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?
197. Дрейф оқимлар нима?
198. Гравитацион ёки градиент оқимлар қандай ҳосил бўлади?
199. Сув кўтарилиши(нагон) ва пасайиши(сгон) ҳодисалари қандай омил таъсирида юзага келади?
200. Сейшлар қандай ҳосил бўлади?
201. Конвектив ва динамик аралашишлар фарқи нимада?
202. Кўлларда сувнинг аралашиши қандай аҳамиятга эга?
203. Кўллар эволюцияси деганда нимани тушунасиз?
204. Кўл туби чўқмалари қандай ҳосил бўлади?
205. Автохтон келиб чиқишли кўл туби чўқмалари қандай ҳосил бўлади?
206. Аллохтон келиб чиқишли кўл туби чўқмаларини ҳосил қилувчи омилларни эсланг.
207. Кўл косаси шаклининг эволюциясига қандай омиллар таъсир этади?
208. Кўллар сув режимига антропоген омиллар таъсирини Орол денгизи мисолида қисқача ёритиб беринг.
209. Сув омборлари қандай мақсадларда қурилади?
210. Ер юзидағи сув омборларига қисқача тавсиф беринг.

211. Ўзбекистон сув омборларининг ўзига хос хусусиятлари нималарда акс этади?
212. Ёпиқ ва очиқ сув, омборларининг фарқи нимада?
213. Сув омборларининг умумий ҳажми қандай ташкил этувчилардан иборат?
214. Сув омборларининг ўрнини танлашда нималарга эътибор берилади?
215. Сув омборининг фойдасиз ҳажмини танлашда қандай омиллар эътиборга олинади?
216. Сув омборлари қандай белгилари бўйича таснифланади?
217. Дарё оқимини бошқаришига кўра сув омборлари қандай турларга бўлинади?
218. Дарё оқимини йиллараро тартибга солишга мўлжалланган сув омборларига мисоллар келтиринг.
219. Сув омборлари жойлашиш ўрнига боғлиқ ҳолда қандай турларга бўлинади?
220. Ер сиртидаги ботиқларда барпо этилган, яъни тўлдириладиган сув омборларига мисоллар келтиринг.
221. Сув омборларининг сув сатҳи режими қандай омилларга боғлиқ?
222. Сув омборларининг сув баланси тенгламасида ҳисобга олинадиган элементларни санаб беринг.
223. Ўрта Осиё сув омборларининг сув сатҳи ва сув балансининг ўзига хос хусусиятларини тавсифланг.
224. Ўзбекистон сув омборларининг ҳарорат режими қандай омилларга боғлиқ?
225. Ўрта Осиё сув омборларининг гидрохимиявий режими ҳақида нималарни биласиз?
226. Сув омборлари динамикасини белгиловчи асосий омилларни айтинг.
227. Сув омборларининг седиментация баланси тенгламаси қандай тузилади?
228. Седиментация баланси тенгламаси элементларини миқдорий баҳолашда қандай маълумотлардан фойдаланилади?
229. Гидрометрик кузатишлар олиб борилмайдиган дарё ва сойлар суви билан сув омборига қўшиладиган лойқа оқизиқлар миқдори қандай баҳоланади?
230. Сув омборида чўккан лойқа оқизиқлар ҳажмини аниқлашда қандай усууллардан фойдаланилади?
231. Сув омбори қурилгач, унинг таъсир зонасида қандай ўзгаришлар кузатилади?
232. Ўзбекистон сув омборлари юзасидан бўладиган ўртacha йиллик буғланиш миқдори қандай қийматларга эга?
233. Тоғли ҳудудларда қурилган сув омборлари қандай афзалликларга эга?
234. Туямўйин ва Роғун сув омболари билан боғлиқ бўлган қандай муаммоларни биласиз?
235. Сув омборларида амалга ошириладиган маҳсус гидрологик кузатишларнинг аҳамияти нималардан иборат?
236. Қор қоплами қандай ҳосил бўлади?
237. Қор чизиғи ёки қор чегарасининг табиий моҳиятини тушунтириб беринг.
238. Қор чизиғи баландлиги географик кенгликлар бўйича қандай ўзгаради?
239. Қор кўчкиласига таъриф беринг.
240. Қор кўчкиласига турларга бўлинади?
241. Қор кўчкиласигининг олдини олиш мақсадида қандай тадбирлар амалга оширилади?
242. Фирн-қотган қор қандай ҳосил бўлади?
243. Глетчер музлигининг зичлиги қандай оралиқларда ўзгаради?
244. Музликлардаги ёриқлар қандай ҳосил бўлади?
245. Музликлар ҳосил бўлишини белгиловчи омилларни санаб беринг.
246. Фирн чизигининг табиий моҳиятини тушунтиринг.
247. Мореналар қандай ҳосил бўлади?
248. Материк ва тоғ музликларининг фарқи нимада?
249. Тоғ музликларининг қандай турларини биласиз?
250. Ер куррасида музликларнинг тақсимланишига умумий тавсиф беринг.
251. Дарё ҳавzasидаги музлик унинг оқимига қандай таъсир кўрсатади?
252. Асосан музлик сувлари ҳисобига тўйинадиган дарёларда тўлинсув даври қачон кузатилади?

253. Ўрта Осиё дарёларининг тўйинишида музликларнинг ҳиссасига умумий тавсиф беринг.
254. Ўзбекистон музликлари қайси дарёлар ҳавzasида жойлашган?
255. Ўзбекистондаги энг катта музикни айтинг.
256. Ўзбекистонда музликларнинг гидрологик режимини ўрганадиган қандай муассасаларни биласиз?
257. Сув ресурсларига таъриф беринг.
258. Глобал, регионал ва маҳаллий сув ресурсларини изоҳлаб беринг.
259. Миллий, давлатлараро ва умуминсоний сув ресурслари деганда нималарни тушунасиз?
260. Амударё ҳавzasига қисқача гидрографик таъриф беринг.
261. Сирдарёнинг Ўзбекистон ҳудудидан сув тўплайдиган ирмоқларини айтинг.
262. Ўрта Осиё сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун нималарга эътибор бериш лозим?
263. Кўллар сув ресурсларини аниқ баҳолаш мумкинми?
264. Ўрта Осиёдаги мавжуд сув ресурслари билан сув омборларининг сифими орасидаги нисбат қандай?
265. Кўллар ва сув омборларининг сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш учун нималарга эътибор бериш лозим?
266. Сув ресурсларининг сарфланиши деганда нимани тушунасиз?
267. Табиий сарфланиш ва унинг моҳиятини ёритиб беринг.
268. Антропоген сарфланиш қандай омиллар таъсирида юзага келади?
269. Сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини айтиб беринг.
270. Сув ресурсларини камайишдан сақлаш учун нималарга эътибор бериш лозим?
271. Сув ресурсларини сифат жиҳатдан муҳофаза қилишда амалга ошириладиган тадбирларни айтиб беринг.

Тузувчилар:

проф. Ҳикматов Ф.Ҳ.

доц. Аденбаев Б.Е.

доц. Юнусов Ф.Ҳ,

ӯқит. Рахмонов К.Р.

Ушбу “Куруқлик гидрологияси” фанидан назорат саволлари География факультети Куруқлик гидрологияси кафедрасининг 2011 йил “26” “август”даги мажлисида (“1”–сонли баённома) муҳокама қилиниб, тасдиқка тавсия этилган.

Кафедра мудири

проф. Ҳикматов Ф.Ҳ.

РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ

1. Гидрология фанининг мақсади, вазифалари, бўлиниши, ривожланиш тарихи.
2. Ўрта Осиёда гидрологиянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи.
3. Ўзбекистон олимлариннинг гидрологик тадқиқотлари ҳақида.
4. Ўзбекистон олимлариннинг тоғли ҳудудлар гидрологияси йўналишига қушган ҳисаси.
5. Гидросфера ва унинг ташкил этувчилари.
6. Атмосфера ёғинлари, уларнинг ер сиртида тақсимланиши.
7. Табиатда буғланиш ва уни миқдорий баҳолаш усуллари.
8. Ер ости сувларининг гидрологик аҳамияти.
9. Дарёлар ҳақида умумий маълумотлар.
10. Дарёларнинг сув режими.
11. Дарёлар сув режимининг фазалари.
12. Ўзбекистон дарёларида тўлинсув даври.
13. Дарёларнинг тўйиниш манбалари.
14. Ўрта Осиё дарёларининг тўйиниш манбалари бўйича таснифлари.
15. Дарё оқимининг ҳосил бўлиши ва унга таъсир этувчи омиллар.
16. Дарё оқимининг ўзгарувчанлиги ва оқим меъёри.
17. Ўрта Осиё дарёлари оқимининг ўзгарувчанлиги.
18. Дарёларнинг лойқа оқизиқлари.
19. Ўзан жараёнлари ва ўзан оқими динамикаси.
20. Сел тошқинларини ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти.
21. Дарёларда эриган моддалар оқими.
22. Кўллар. Кўллар ҳақида умумий маълумотлар.
23. Сув омборлари. Сув омборлари ҳақида умумий маълумотлар.
24. Музликлар ва уларнинг гидрологик аҳамияти.
25. Сув ресурслари, улардан самарали фойдаланиш ва муҳофазаси масалалари.

КУРС ИШЛАРИ МАВЗУЛАРИ

Курс ишини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар. Курс ишининг максади талабаларнинг қуруқлик гидрологиясидан мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш, уларда фанни ўрганиш натижасида олган назарий билимларини амалда қўллаш, бевосита қуруқлик гидролоигяси ишлаб чиқаришидаги реал шароитларга мос техник ечимлар қабул қилиш ва замонавий гидролоигк усуллар, ўлчов қурилмалари, асбоблари ва технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилишдир.

Курс ишининг мавзулари бевосита қуруқлик гидрологиясидан атроф – муҳит муҳофазаси, қишлоқ ва сув хўжалиги ва бошқа соҳаларда фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқаришда амалга ошириладиган жараёнларга боғлиқ ҳолда, аниқ бир гидрологик ёки метеорологик объект материаллари ва маълумотлари асосида бажарилади. Курс ишининг мавзулари талабаларнинг умумий сонидан 20-30% кўпроқ ҳолда олдиндан тайёрланади. Ҳар бир талабага шахсий топшириқ берилади.

Курс иши обьекти сифатида дарёлар, кўллар, сув омборлари, атмосфера ёғинлари, обҳаво ҳолати ва бошқалар берилади. Белгиланган обьектга боғлиқ ҳолда гидрометеорологик кўрсаткичларни хисоблашга оид ишлар амалга оширилади. Курс ишининг хисоблаш – график ишларини замонавий компьютер дастурларида бажариш тавсия этилади.

Курс ишининг тахминий мавзулари:

1. Дарё ҳавzasидан ялпи буғланиши ўрганиш ва миқдорий баҳолаш;
2. Дарё ҳавzasига ёқкан атмосфера ёғинларининг ўртача қатламини аниқлаш;
3. Дарё системасининг морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш;
4. Дарё ҳавzasининг морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш;
5. Ўлчанган сув сарфи маълумотлари асосида сув сарфи эгри чизиги графигини чизиш ва гидрологик йилномани тузиш;
6. Тоғ дарёси оқимининг асосий оқим кўрсаткичларини хисоблаш;
7. Тоғ дарёси сув режими фазаларини ва уларнинг элементларини аниқлаш;
8. Тоғ дарёси тўйиниши манбаларини миқдорий баҳолаш;
9. Дарё оқимининг йиллараро тебраниши ва ўзгарувчанлигини статистик баҳолаш;
10. Дарё оқимининг йил давомида ойлар ва мавсумлар бўйича тақсимланишини хисоблаш;
11. Дарёларнинг муаллақ оқизиклари оқимини хисоблаш;
12. Кўл косасининг морфометрик кўрсаткичларини хисоблаш;
13. Сув омборининг лойқа оқизиклар билан тўлиш жадаллигини баҳолаш;
14. Тоғ дарёси ҳавzasидаги музланиши майдонини аниқлаш;
15. Дарё ҳавzasининг сув ресурсларини миқдорий баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш;

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШЛАРИ МАВЗУЛАРИ

1. Қор қоплами ва унинг хусусиятларини ўрганиш ва прогнозлаш.
2. Мавсумий қор қоплами кўрсаткичларини ўрганиш ва прогнозлаш.
3. Ўрта Осиё тоғларида мавсумий қор қоплами динамикаси прогнози.
4. Қор қопламини ўрганишда аэрокосмик усууллардан фойдаланиш.
5. Қор қопламининг зичлиги ва тақсимланишини прогнозлаш.
6. Барқарор қор қоплами ва унинг хусусиятлари .
7. Мавсумий қор чегараси динамикаси ва уни прогнозлаш.
8. Мавсумий қор чегарасини гидрологик прогнозларда ҳисобга олиш.
9. Қор қопламини сунъий йўлдошлар ёрдамида ўрганиш.
10. Қор қоплами заҳираларини баҳолаш масалалари.
11. Қор кўчкилари ва уларни прогнозлаш масалалари.
12. Қор кўчкиларининг олдини олиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш масалалари.
13. Ўзбекистонда қор кўчкиларини маҳсус кузатишларни ташкил этиш.
14. Тоғ музликлари ва уларни ўрганиш.
15. Тоғ музликларининг гидрологик аҳамияти.
16. Ўзбекистон музликлари.
17. Чирчиқ ҳавзаси музликлари кадастрини аниқлаштириш.
18. Қашқадарё ҳавзаси музликлари кадастри.
19. Сурхондарё ҳавзаси музликлари кадастри.
20. Иқлим ўзгариши ва музликлар ҳолатини баҳолаш.
21. Дарёларнинг музликлар ҳисобига тўйинишини микдорий баҳолаш .
22. Музликлар ҳисобига тўйинувчи дарёларнинг гидрологик режимини ўрганиш.
23. Тоғ музликлари ва уларнинг муҳофазаси масалалари.
24. Кўл ботиғи ва унинг қисмларини ўрганиш.
25. Кўлларни генезисини ўрганиш.
26. Ўрта Осиё кўллари генезиси.
27. Кўллар морфологияси ва морфометриясини ўрганиш.
28. Ўрта Осиё кўллари морфологияси ва морфометрияси.
29. Кўлларнинг сув баланси элементларини прогнозлаш.
30. Кўлларнинг сув сатҳи режимини ўрганиш ва прогнозлаш.
31. Кўлларнинг ҳарорат режимини ўрганиш.
32. Кўлларда музлаш ҳодисаларини ўрганиш.
33. Кўллар гидрохимияси ва гидробиологияси масалалари.
34. Кўллар сувининг химиявий таркиби ва унга таъсир этувчи омиллар.
35. Кўлларнинг гидробиологик хусусиятлари ва маҳсулдорлиги.
36. Кўллар сув режимига антропоген омиллар таъсирини ўрганиш.
37. Орол денгизи ва у билан боғлиқ бўлган гидрологик муаммолар.
38. Сув омборларининг географияси.
39. Сув омборларининг ўрни ва кўрсаткичларини танлаш муаммолари.
40. Сув омборларининг сув баланси.
41. Сув омборларининг ҳарорат режими.
42. Сув омборларининг сув сатҳи режими.
43. Сув омборлари гидрокимёси.
44. Сув омборлари динамикаси.
45. Сув омборларининг седиментация баланси.
46. Сув омборлари билан боғлиқ бўлган муаммолар.
47. Арнасой кўллар тизими ва у билан боғлиқ муаммолар.
48. Зарафшон дарёси сув режими элементлари ва уларни прогнозлаш
49. Зарафшон дарёси гидрокимёвий режими ва уни прогнозлаш.
50. Куйи Амударёда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари .

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛЛАР

Куруқлик гидрологияси фанидан мустақил таълимни самарали ташкил этиш учун аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Шундагина мустақил таълим талабларда: шахсий, касбий, индивидуал хусусияларни намоён қилиш; билим, кўнингма, малакаларни шакллантириш; тартибга солиш ва назорат қилиш учун ундан онгли равишда фойдалана билиш; ижодий қобилиятларни ривожлантиришга асос бўлади.

Куруқлик гидрологияси фанидан талабаларнинг мустақил иш бажара олишига қизиқишини ошириш ва кўнингмаларини ривожлантириш учун бу жараённи қуидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Талабаларнинг бўлажак фаолиятларини таҳлили. Уларнинг таълим муассасасини тутатганларидан кейин илмий изланишлар олиб боришлари ёки касдий фаолиятларининг таҳлили.

2. Шу таҳлилдан келиб чиқиб, мустақил иш бажариш технологиясини ишлаб чиқиб унга таълимнинг ҳар бир босқичида, машғулот давомида ўкув фанларининг мазмунини елгилаш. Таълимнинг диагностик асосида мақсадини жамият манфаатлари нуқтаи назаридан белгилаш.

3. Белгилаб олинган таълим мазмуни асосида талабаларнинг машғулот давомида ва машғулотдан ташкари вақтларида ўкув юкламаси, керакли вақт режасини аиқлаш лозим.

4. Дидактик жараённи амалга ошириш учун мустақил таълимнинг ташкилий, оптималь шаклларини танлаш ва шунга мувофиқ ўқитиши воситаларини аниқлаш зарур.

5. Дидактик мақсадни амалга ошириш учун талабаларнинг қизиқишиларини янада ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда мавзулар, аниқ машғулотлар бўйича услубий ишлатмалар компьютерда дастурли анимациялар ишлаб чиқиш керак.

6. Таълим мақсади асосида мустақил иш бжаришда самарадорликни ошириш тизимини ишлаб чиқиш ва уни таълим жараёнига жорий қилиш.

7. Талабаларнинг белгиланган ўкув материалларини ўзлаштиришларини, мустақил иш бжариш кўнингмаларини шакллантиришни, компьютер-саводхонликларини, билим савияларини назорат қилиш ва ўзлаштиришлар киритиш.

8. Мустақил таълим мазмунини ва такибини ишлаб чиқиш, шу асосида машғулот ва уй вазифаларини, мустақил ишларни оптималь режалаштириш.

9. Юқоридагилардан келиб чиқиб лойиҳалаштирилган мустақил таълим жараёнини синовдан ўтказиш.

Қуида келтирилган **саволлар** юқоридаги мақсадни кўзлаб тузилган:

1. Куруқлик гидрологияси фани ва унинг бўлиниши;
2. Гидросфера ва унинг ташкил этувчилари;
3. Табиатда буғланиш;
4. Атмосфера ёғинлари;
5. Ер ости сувлари;
6. Дарёлар ва дарёлар ҳақида умумий маълумотлар;
7. Дарёларнинг сув режими ва тўйиниш манбалари;
8. Дарё оқимининг ҳосил бўлиш назарияси асослари;
9. Дарёларнинг лойқа оқизиқлари. Ўзан жараёнлари ва сел тошқинлари;
10. Кўллар ва сув омборлари;
11. Музликлар ва уларнинг гидрологик аҳамияти;
12. Сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш.
13. Гидрологик тадқиқотларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.
14. Гидрологиянинг ҳозирги кундаги асосий йўналишлари.
15. Гидрологик ҳисоблашлар аниқлигини статистик баҳолаш.
16. Текширудан ўтган гидрологик прогнозлар ва уларнинг таъминланиши.
17. Дарё оқими ва сув режими элементларини қисқа муддатли прогнозлаш.
18. Дарё оқимини ўзандаги сув захираларига боғлиқ ҳолда ҳисоблаш.
19. Кичик дарёлар хавзаларида ёмғир сувлари ҳисобига ҳосил бўлган тошқинларни ҳисоблаш.

- 20.Текислик дарёлари оқимини ҳисоблашнинг табиий асослари.
- 21.Текислик дарёларининг тўйинишида қор қопламининг аҳамияти.
- 22.Текислик дарёлари оқими элементларни ҳисоблаш.
- 23.Тоғ дарёлари оқимини ҳисоблашнинг табиий асослари.
- 24.Тоғ дарёлари ҳавзасидаги мавсумий қор чизифи баландлигини ҳисоблаш.
- 25.Тоғ дарёлари оқимини баҳолашда сунъий йўлдошлар ахборотларидан фойдаланиш.
- 26.Тоғ дарёлари ҳавзаларидаги ҳаво ҳароратини аниқлаш.
- 27.Тоғ дарёлари вегетация даври оқимини атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳарорати ҳақидаги маълумотлар асосида баҳолаш.
- 28.Тоғ дарёлари вегетация давридаги ўртача ойлик сув сарфларини баҳолаш усуллари.
- 29.Тоғ дарёлари оқимини баҳолашнинг замонавий усуллари.
- 30.Сув ҳавзаларидаги музлаш ҳодислари, унинг табиий асослари.
- 31.Гидрологиянинг ривожланиш истиқболлари.

ГЛОССАРИЙ

Аблация – музликдаги сув захираларининг турли йўллар билан камайиши.

Абразия – сув ҳавзаси қирғоқларининг тўлқинлар таъсирида емирилиши.

Абсолют ҳатолик - дарёлар, кўллар, сув омборлари, қор қоплами, музликлар ва бошқа сув объектларида кечадиган гидрологик жараёнлар ва ходисаларнинг прогноз қилинган ва кузатилган қийматлари орасидаги фарқ. Абсолют ҳатолик гидрологик миқдорнинг ўлчам бирлигига ифодаланади.

Автокорреляция – гидрологик қаторни ташкил этган миқдорларнинг ўзаро корреляцияси.

Акватория – сув ҳавзаси юзасининг қисми.

Аккумуляция – сув ҳавзасида ёки муҳандислик иншоотида сувнинг, тузнинг ва эррозия маҳсулотларининг тўпланиши.

Аллювий – дарё ўзанида оқизиқларнинг тўпланиши.

Альбедо – маълум сиртдан қаётган радиациянинг шу сиртга тушаётган радиацияга нисбати.

Анионлар – манфий зарядланган ионлар.

Гидрологик прогноз - гидрологик жараёнлар ёки ходисаларни “олдиндан айтиш” ёки “олдиндан билиш” маъносига эга.

Гидрологик прогнозлар - дарёлар, кўллар, сув омборлари, қор қоплами, музликлар ва бошқа сув объектларида кечадиган гидрологик жараёнлар ва ходисаларнинг шаклланиш қонуниятларини ўрганиш асосида уларни олдиндан айтиш усуслари ва услубларини ишлаб чиқиши ҳамда амалиётга тадбиқ этиш билан шуғулланадиган фан тармоғи.

Глобал гидрологик прогнозлар - бутун Ер шари миқёсида кечадиган гидрологик жараёнлар ва ходисаларни олдиндан айтиш мақсадида ишлаб чиқилган гидрологик прогнозлар.

Гидросиноптик прогнозлар - гидрологик жараёнлар ва ходисаларни олдиндан айтиш мақсадида худуддаги мавжуд синоптик вазият эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилган гидрологик прогнозлар.

Гидрологик инерция ёки тенденция - гидрологик ҳодиса ва жараёнларнинг ўзини келтириб чиқарган омилларга боғлиқ ҳолда маълум вақт давомида аниқ бир қонуният асосида тақрорланиши.

Гидрологик йил – дарё ҳавзасида намлик захираларининг тўпланиши ва унинг сарфланишини қамраб оладиган давр.

Гидрологик йилнома – сув объектлари режими элементлари ҳақидаги маълумотлар келтирлган расмий нашр.

Дарё системаси – бош дарё ва унинг ирмоқларининг биргалиқдаги номи.

Катионлар - мусбат зарядланган катионлар.

Маҳаллий гидрологик прогнозлар - маълум бир кичик маъмурий ҳудуд ёки дарё ҳавзаси учун бериладиган гидрологик прогнозлар.

Нисбий ҳатолик - гидрологик ҳодисанинг прогноз қилинган қиймати билан кузатилган қиймати орасидаги фоизларда ифодаланган фарқи.

Оқим ҳажми - дарёдан маълум вақт (минут, соат, кун, ой, йил ёки кўп йил) давомида оқиб ўтадиган сув миқдори, m^3 ёки km^3 ларда ифодаланади. Гидрологик прогнозларда ойлик, тўлинсув ёки вегетация давридаги оқим ҳажмлари прогноз қилинади.

Прогноз - иккита грек сўzlари - “про” ва “гносис”нинг кўшилишидан ҳосил бўлиб, “олдиндан айтиш” ёки “олдиндан билиш” маъносини беради.

Прогнозлаши муддати - гидрологик ҳодиса прогноз қилинган ва шу ҳодиса кузатилган вақт оралиғи.

Прогнозлаши усули - бирорта гидрологик ҳодиса ёки жараённи маълум гидрометеорологик маълумотлар ва қонуниятлар асосида тегишли муддатга прогнозлаш йўли.

Прогнозлаши услуги - бирорта гидрологик ҳодиса ёки жараённи маълум гидрометеорологик маълумотлар ва қонуниятлар асосида тегишли муддатга прогнозлаш усулининг аниқ сув обьектида кўлланилиши. Бунда мазкур сув обьектининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади.

Прогнознинг йўл қўйилишиги мумкин бўлган ҳатолиги (δ_{don}) - ушбу катталик $\delta_{don} = \pm 0,674 \cdot \delta$ ифода билан аниқланади, бу ерда, δ - прогнозлашнинг абсолют ҳатолиги. Йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳатоликнинг ҳисобланган қийматига боғлиқ ҳолда прогнознинг тўғри ёки нотўғри натижа берганлиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Прогноз усули ёки услубининг сифати - прогнозлаш усули ёки услубининг ҳисобланган самаралилиги мезонига боғлиқ ҳолда “яхши”, “қониқарли” ва “маслаҳат” сифатида баҳоланади.

Прогнозлаш усули(услуби)нинг самаралилиги мезони - гидрологик прогнозлар ҳатоликлари ўртача квадратли фарқининг ҳодисанинг амалда кузатилган қийматлари ўртача квадратли фарқига нисбати. Ушбу нисбатга боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган прогнозлаш усули ёки услубининг самаралилиги уч кўрсаткичда баҳоланади.

Прогнозлаш усули ёки услубининг таъминланиши (P) – бу катталик $P=(m/n) \cdot 100$ ифода билан ҳисобланади, бу ерда m - тўғри чиққан прогнозлар сони, n – умумий прогнозлар сони. Таъминланиш фоизларда ифодаланади.

Қисқа муддатли гидрологик прогнозлар - дарёлар, кўллар, сув омборлари, қор қоплами, музликлар ва бошқа сув объектлари сув режими элементларини 15 кунгача бўлган муддат билан олдиндан айтиш.

Регионал гидрологик прогнозлар - йирик дарёлар ҳавзалари, йирик маъмурий ҳудудлар ёки регионлар учун ишлаб чиқилган гидрологик прогнозлар.

Репрезентатив метеорологик станциялар - гидрологик прогнозлар усули ёки услубини ишлаб чиқиша ҳаво ҳарорати, атмосфера ёғинлари ва бошқа маълумотлари асос қилиб олинадиган метеорологик кузатиш пунктлари.

Сув режими элементлари - сув сатҳи, сувнинг оқиши тезлиги, сув сарфи, сувнинг тиниқлиги, минераллашув даражаси ва бошқалар.

Сув сарфи - дарё, сой ёки каналнинг кўндаланг қисмидан вақт бирлиги ичida оқиб ўтадиган сув миқдори, m^3/s да ифодаланади. Гидрологик прогнозларда дарёларнинг сув сарфлари қисқа ёки узоқ муддатли прогноз қилинади.

Сув сатҳи – сув юзасининг “0” графикка нисбатан аниқланган баландлиги.

Узоқ муддатли гидрологик прогнозлар - сув режими элементларини ой, чорак, вегетация даври ёки ярим йиллик муддат билан олдиндан айтиш.

Ўта узоқ муддатли гидрологик прогнозлар - сув объектларида кечадиган гидрологик жараёнлар ва ҳодисаларни бир йиллик, бир неча йиллик ёки бир неча ўн йиллик муддат билан олдиндан айтиш.

СЛАЙДЛАР


Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

РОГУН ГЭСИ ВА У БИЛАН БОГЛИҚ МУАММОЛАР ХАҚИДА

Ҳикматов Ф.Х.,
Айтбаев Д.П., Юнусов Ф.Х.

Тошкент -2011

Роғун ГЭСи тўғонининг қирқими



Қисқача тарихий маълумот

- Роғун ГЭСи лойиҳаси 60-йиллар охири, 70-йиллар бошида Тошкентда, "САО Гидропроект" да тайёрланган.
- Лойиҳа 1974 йилда собиқ СССР Госстрой томонидан тасдиқланган.
- ГЭС қурилишига тайёргарлик ишлари расман 27 сентябрь 1976 йилда бошланган.
- Собиқ СССР Министрлар Совети ГЭС лойиҳасини 1980 йилда тасдиқлаган.
- Тўғон қурилиши эса 1987 йилдан бошланган ва шу йили унинг биринчи босқичи якунланиб, 27 декабрда Вахш дарёси оқими тўғон билан тўсилган


Роғун ГЭСи тўғонининг қирқими омборининг лойиҳа кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Манбалар		
	Плотины Средней Азии, 1973	Водохрани- лища мира, 1979	Иrrигация Узбекистана, Т.Ш, IV, 1979, 1981
Тўғоннинг баландлиги, м	350	306	310
Нормал димланиш сатхи, м	340	-	300
Фойдасиз ҳажм сатхи, м	230	-	205
Сув сифими, km^3	8,3	8,0	8,6
тўлиқ	11,8	11,85	19,0


Роғун ГЭСининг Тожикистон
Республикаси Энергетика вазирлиги
қайд этган лойиха кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Қийматлари	
Тўғон баландлиги, м	335	
Сув сигими, км ³	Тўлик	13,3
	Фойдали (дастлабки)	10,3
	Фойдали (50 йилдан сўнг)	8,6
Кафолатланган қўшимча сув бериш, км ³	4,4	
Белгиланган қуввати, МВт (600 · 6 та агрегат)	3600	
Йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш, млрд. кВт. соат	13,1	

Сейсмик районлаштириш




Норак ГЭСи тўғони




23

Норак ГЭСи тўғонининиг қирқими



Норак сув омбори



АДАБИЁТЛАР

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Богословский Б.Б. и др. Общая гидрология (Гидрология суши). - Л.: ГМИЗ, 1984.
2. Михайлов В.Н., Добровольский А.Д. Общая гидрология. – М.: Высшая школа, 1991.
3. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбоев Д.П. Гидрология асослари. –Тошкент: Университет, 2003.
4. Самохин А.А., Соловьев Н.Н. Практикум по гидрологии.–Л.: ГМИЗ, 1980.
5. Чеботарев А.И. Общая гидрология. - Л.: Гидрометеоиздат, 1975.

Кўшимча адабиётлар

6. Апполов Б.А. Учение о реках. – М.: Изд-во МГУ, 1963.
7. Богословский Б.Б. Основы гидрологии суши. - Минск: БГУ, 1974.
8. Важнов А.Н. Гидрология рек. – М.: Изд-во МГУ, 1976.
9. Гидрология суши. Термины и определения. – М., 1973.
10. Глазырин Г.Е. Структура и эволюция горных ледниковых систем. – Л.: ГМИЗ, 1991.
11. Давыдов Л.К., Дмитриева А.А., Конькина Н.Г. Общая гидрология.- Л.: ГМИЗ, 1973.
12. Лучшева А.А. Практическая гидрология. – Л.: ГМИЗ, 1976.
13. Мировой водный баланс и водные ресурсы Земли. – Л.: ГМИЗ, 1974.
14. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ. Умумий гидрология.-Тошкент: Университет, 1995.
15. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ., Акбаров А.А. Гидрология атамалари ва тушунчаларининг русча-ўзбекча лугати.-Тошкент: Университет, 1993.
16. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ. Сув эрозияси, дарё оқизиқлари ва уларни миқдорий баҳолаш. –Т.: Университет, 1998.
17. Чуб В.Е. Изменение климата и оценка природно-ресурсного потенциала Узбекистана. –Ташкент: 2001.
18. Шикломанов И.А. Исследование водных ресурсов суши: итоги, проблемы, перспективы. – Л.: Гидрометеоиздат, 1988.
19. Шульц В.Л., Машрапов Р.М. Ўрта Осиё гидрографияси.-Тошкент: Ўқитувчи, 1968.
20. Ҳикматов Ф.Ҳ., Сирлибоева З.С., Айтбоев Д.П. Кўллар ва сув омборлари географияси, гидрологик хусусиятлари.- Тошкент: Университет, 2001.
21. Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбоев Д.П.Кўлшунослик // Ўқув қўлланма.- Тошкент: Университет, 2002.
22. Гидрология Фанлари Халқаро уюшмаси (International Association of Hydrological Sciences)нинг сайти: <http://www.cig.ensmp.fr/~iahs>.
23. www.undp.uz (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастур Веб-сайти)
24. www.gwpcacena.org
25. www.Ziyo.net